

Боқий фикр

Шердил ва
ўтюррак йигитлар
миллат кўрки,
Ватан фахридир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

Kuch - bilim va tafakkurda

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 11-yanvar, chorshanba № 3 (8964)

O'zbekiston — mustaqil Vatanimiz, milliy armiyamiz — faxru g'ururimiz!



Армиямизнинг чинакам таянчи

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ миллий армиямизни шакллантириш, Қуроли Қучлар тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар жараёнида соҳа учун юқори малакали, замонавий профессионал ҳарбий қадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий йўналишдаги академик лицейлар ташкил этилди. Армиямиз учун кичик командирлар тайёрлаш мақсадида сержантлар тай-

ёрлаш мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу мактабларда билимли, малакали, жанговар тайёргарлиги юқори, ҳарбий соҳани пухта ўзлаштирган сержантлар

сабоқ олиб, армиямиз сафларида офицер ва аскарлар ўртасида боғловчи бўлган вазифасини бажармоқда.

Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактаби Қуроли Қучларимиз сафларига юксак малакали профессионал кадрлар етказиб бераётган нуфузли шундай масканларидан биридир.

(Давоми 9-бетда.)

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари кўни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашди.

Учрашувда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, прокуратура органлари масъул ходимлари ва фаришлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 декабрдаги Қонунига мувофиқ, 8 январь Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кўни этиб белгиланди. Бу прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилади.

— Сизларни 8 январь — Прокуратура органлари ходимлари кўни муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Барча-нгизга сўхат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман, — деди Президентимиз. — Маълумки, 1992 йил 8 январь кўни Ўзбекистон Республика-

сининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Фармони билан Ўзбекистон ССР прокуратураси мустақил Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлардан бири прокуратура органларидир. Прокуратура органлари томонидан мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислох қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

ХАЛҚ ИШОНЧНИНИ ҚОЗОНИШ — АСОСИЙ БУРЧИМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январда соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашувда соҳа ходимлари олдига қўйган вазифалар жойларда ўрганилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар бир инсоннинг малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, замонавий тиббий ёрдамни аҳолига қўйиштириш борасида амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар жамият тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу йўналишдаги эзгу ишларни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, халқимизни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Тиббиёт соҳасига давлат даражасида қаратилаётган бундай эътибор



Munosabat

натijasида шифо муассасаларининг моддий-техник салоҳияти юксалмоқда. Жумладан, урология соҳасида диагностика ва даволаш ишлари йилдан-йилга такомиллашмоқда. Республика ихтисослаштирилган урология марказида йилга ўттиз мингга яқин бемор ана шу йўналишдаги замонавий тиббий-маслаҳат ва даволаш ёрдамидан фойдаланаётир. Бу ерда йилгига саккиз мингдан зиёд турли даражадаги жаррохлик амалиётлари бажарилади.

Соҳага юксак тиббий технологияларнинг кириб келиши туфайли илгари операция билан даволанган кўпгина хасталикларни тўғсиз даволаш, беморларни соғлом ҳаётга қайтариш имконияти кенгайётир. Бугунги кунда урологик хасталикларнинг салмоли қисми эндоскопия усулида даволанмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда амалга оширилган ишлар натижалари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

2016 йилда комплекс бўйича жами 6,28 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳолига 4,49 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилди. 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати мос равишда 124,2 фоиз ва 129,7 фоизни ташкил этди.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 247,3 миллион АҚШ доллар миқдоридида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 115,5 фоизга, экспорт прогнози кўрсаткичлари ҳам ортиғи билан бажарилишига эришилди.

Мажлисида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кескин кенгайтириш, уларни мактаб таълимига тайёрлаш сифатини янада ошириш, замонавий таълим дастурларини жорий этиш асосида мактабларда таълим жараёнини такомиллаштириш ва ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ўстиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Комплекс йиғилишида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим муассасаларини замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларнинг корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш учун салоҳиятли иш бевуви-ларни жалб этган ҳолда ихтисослашган бўш иш ўринлари ярамқаларини ўтказиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Эришилган ютуқлар ўзимизники, унга махлиё бўлиб ўтириш бизга ярашмайди. Бугун сизлар билан олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида гаплашиб олмағимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари. Одамлар ҳамма нарсага чидаси мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак.

Биринчи Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида кенг қўллади ислохотларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, уларнинг самарадорлигини юксалтиришда қонуний асосларни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишлар мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққиётига хизмат қилаётди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қилинган ишлар дунё ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Прокуратура органлари ҳодимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади, деди Президентимиз. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт.

Қонунчилик базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва қонунларни сўзсиз ижро этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик тараққиётини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органларининг роли катта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал

ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги Фармонида тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхта-тиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги оширилган.

Бу соҳа ҳодимларининг зиммасига ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва тўла ижро этилишини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдек вазифалар масъулиятини янада оширди.

Президентимиз тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида прокуратура органларининг роли ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади. Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор.

Мустабид тузум даврида одамлар прокуратура органлари ҳодимларини фақат қораловчи, жазоловчи тизим вакиллари сифатида биларди. Биз ушбу соҳа фаолиятини халқроқ талаблар даражасида қайта ташкил қилишда ижобий натижаларга эришмоқдамиз, деди Президентимиз. Прокуратура органлари кундалик ҳаётимизда қонун устуворлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши зарур.

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини янада такомиллаштириш, мамлакатда қонун устуворлиги

ва қонунийликни таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тузиш туғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга мувофиқ Комиссиянинг зиммасига қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва уларнинг ишлаш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар самарали бажарилаётгани устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш вазифалари қўйилди.

Ҳозирги кунда Олий Мажлиси Сенати томонидан ҳар йили Бош прокурорнинг ҳисоботи эшитилади. Бу албатта муҳим, лекин жойлардаги прокурорларнинг ҳисоботини ким эшитади, деди Шавкат Мирзиёев. 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади. Бундан ташқари, вилоятларда прокурорларнинг ишига қараб олий рейтингни тузиб борилади. Уларнинг фаолиятига рейтинг натижалари асосида баҳо берилади.

Ўтган йили ташкил қилинган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига фуқаролардан 311 минг мурожаат келиб тушди. Мурожаатлар орасида прокуратура соҳасига тегишлилари ҳам таллайгина. Бу жуда ачинарли ҳолдир, деди Президентимиз. Барчамиз ўзимизга бир савол берайлик: одамларда нима учун муаммолар бунчалик кўпайиб кетди, уларнинг дардини ким эшитади? Мурожаатларнинг аксарияти адолатсизликдан, ўларнинг ҳеч ким эшитмагандан бўлмоқда. Агар прокуратура органларининг эшиги аҳоли учун очиқ бўлганида, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига бу қадар кўп мурожаат тушмас эди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мазкур соҳа ҳодимлари ҳам гоят масъулиятли вазифаларни бажармоғи лозим бўлади. Биронга ҳам мурожаат эътибордан четда қолмаслиги керак, деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда Республика Бош прокурори Ихтиёр Абдуллаев, Хоразм вилояти прокурори Садриддин Турдиев, Хонқа тумани прокурори Файрат Абдуллаев, Ғузор тумани прокуратураси катта ноҳири Замира Аширова, Тошкент шаҳар прокурори Ботир Қудратхўжаев, Бош прокуратура тизимидаги департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Эгамов ва бошқалар 8 январь — Прокуратура органлари ҳодимлари кунини нишонлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган танқидий фикрлардан тегишли ҳулоса чиқариб, инсон манфаатларини тўла таъминлаш учун барча чора-тадбирлар қўрилишини таъкидлади.

А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА мухбири

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу билан бир қаторда ўқитишнинг замонавий усулларини, янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини жорий этиш, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида таълим жараёнининг сифатини тубдан ошириш, мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш тизимидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш бўйича устувор вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда келажадаги режалар, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизими доирасида ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиб бўйича амалга оширилаётган ишлар, келгусида бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар батафсил кўриб чиқилди.

Мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев маърузаларида белгилаб берилган вазифаларни тизимли равишда бажариш, комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2017 йилнинг биринчи чорагида белгиланган режалар ижросини тўла таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

ХАЛҚ ИШОНЧНИ ҚОЗОНИШ — АСОСИЙ БУРЧИМИЗ

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларида урология бўлимлари ташкил этилиб юксак тиббий технологиялар билан жиҳозлангани, Республика урология марказининг Урганч филиали ташкил этилгани соғлиқни сақлаш соҳасидаги илғор усулларни ҳудудларга ҳам изчил татбиқ этиш, замонавий тиббий ёрдамни халқимизга яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Эришилаётган бундай ютуқлар билан бирга талай долзарб вазифалар ҳам ўз ечимини кутмоқда. Халқимизнинг замонавий тиббий ёрдамга кундан-кун ўсиб бораётган талабини қондириш, юртимизнинг чекка ҳудудларида яшайдиган аҳолини ҳам бундай замонавий тиббий ёрдамдан тўлиқ баҳраманд этиш зиммасига катта масъулият юклятир.

Президентимиз учрашувда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, халқимизнинг замонавий тиббий ёрдамдан фойдаланиш борасида қилган мурожаатларига ўз вақтида тез ва самарали жавоб қайтариш ишларини яхшилаш, аҳоли-

нинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб тиббий хизматни янада ривожлантириш билан боғлиқ устувор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг барчаси Тошкент шаҳрида жойлашгани қишлоқ туманларида яшайдиган аҳоли бундай замонавий тиббий ёрдамдан фойдаланишида муайян қийинчилик туғдираётгани қайд этилди. Бу муаммони бартараф этиш учун ихтисослаштирилган марказлар олимлари ва шифокорлари ҳудудларга чиқиб аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиши, хусусан, жарроҳлик муолажаларини амалга ошириши масаласи илгари сурилди.

Бу бизнинг марказимиз жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юкляди. Шундан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ҳудудларда амалга ошириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш чораларини кўрмоқдамиз. Келгусида барча вилоятларда марказнинг филиалларини ташкил этиш учун 2017-2018 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини тузиш ишлари олиб боришмоқда.

Республика ихтисослаштирилган урология марка-

зининг Урганч филиалига бир гуруҳ олимларимиз ва шифокорларимиз боради. Улар Хоразм вилояти аҳолиси орасида урология соҳасида мамлакатимиз тиббиёти эришаётган муҳим янгилликларни тарғиб этиш, бундай тиббий хизматга муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиши, тиббий-профилактика ишларини ривожлантиришда бирламчи тиббиёт масканларига кўмак бериши режалаштирилган.

Марказимизнинг Нукус филиалини очиб юзасидан ҳам иш олиб бормоқдамиз. Зеро, экологик жиҳатдан нисбатан ноқулай ҳудуд ҳисобланган мазкур минтақада замонавий урология хизматига эҳтиёж анча юқори. Бу ҳудуд аҳолисининг юқори технологиялар воситасидаги тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олган афзал. Бунинг учун аҳоли орасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзи ва рационал овқатлаш таъминларини тарғиб этиш, ҳар бир инсоннинг ўз вақтида бирламчи тиббий-профилактика кўригидан ўтишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифа-

ларни тўлақонли амалга оширишда тиббиёт ҳодимларининг билим ва малакаси ҳам талаб даражасида бўлиши лозим. Шу мақсадда ҳудудлардаги мутахассислар, хусусан, ҚВПларда ишлайдиган умумий амалиёт шифокорлари иштирокида урологиянинг долзарб масалаларни юзасидан маҳорат дарсларини ташкил этиш, тиббиёт янгилликларини оммалаштириш, касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш ишларини такомиллаштириш асосий мақсадимиздир.

Президентимиз таъкидлаганидек, шифокорлар саломатлик посбонларидир. Халқимиз бизга энг улкан бойлиги — саломатлигини ишониб топширар экан, биз, тиббиёт ҳодимлари бу омонатни нафақат асрай олишимиз, балки инсонларнинг соғлом ва узоқ умр қириши йўлида куч-салоҳиятимизни аямаслигимиз, бу эзгу мақсадга бутун борлигимизни бахшида этишимиз керак. Шундагина шифокор деган шарафли номни оқлаб, халқимизнинг ишончини қозонишга эришамиз.

Фарҳод ОҚИЛОВ,
Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори.

ЎЗА

2017-yil 11-yanvar, № 3 (8964)

Юксакликка ундаётган имкониятлар

Юртимизда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган сайёҳаракатлар алоҳида эътиборга молик. Чунончи, ўтган ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикасидаги 93 та касб-хунар коллежини тамомлаган 23747 нафар ёш мутахассис билан 10688 корхона ва ташкилот ўртасида тўрт томонлама шартномалар тузилди.

Ёш мутахассисларни тайёрлашда педагоглар меҳнати ва таълим муассасаларида яратилган кенг имкониятларнинг ўрни алоҳида. Масалан, Нукус тиббиёт коллежиде яратилган шарт-шароитлар, жумладан, иккита ўқув биноси, 360 ўринли мажлислар зали, ахборот-ресурс маркази, 75 ўринли ўқув зали, спорт зали, ёзги спорт майдончаси, ошхона ва 400 ўринли ўқувчилар тураржойи кўзни қувватлади. Таълим муассасасида ҳамширалик иши, даволаш иши, фармация ассистенти, лаборатория диагностикаси йўналишларида ўқиётган 3143 нафар йигит-қизга 260 малакали педагог касб-хунар ўргатмоқда.

Сўнгги йилларда "Саломатлик" лойиҳаси доирасида махсус фан лабораториялари ва ўқув хоналарига 114 номдаги 35 миллион сўмлик асбоб-ускуналар келтирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан коллеж 206 номдаги умумий баҳоси 62 миллион сўмлик ўқув қуроллари ва тиббий ускуналар билан таъминланди. Жанубий Корея гранти асосида биология, кимё, физика, анатомия, астрономия ва информатика фан кабинетлари 86 номдаги 25 миллион сўмлик жиҳозларга эга бўлди. Шунингдек, Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами ҳисобидан коллежда етти тренинг зали очилиб, 35 номдаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ҳозир коллежда иккита физика, иккита кимё, тўртта лингафон, учта компьютер хонаси, етти тренинг зали ўқитувчи ва ўқувчилар хизматида.

Мазкур ўқув масканида спортнинг енгил атлетика, сузиш, қиличбозлик, оғир атлетика турлари бўйича республика миқёсида ўтказилган мусобақалар ғолиблари кўплаб топилди. Зеро, соғ танда — соғлом ақл, деганларидек, тиббиёт коллежи ўқувчилари доим спортни ўзларига дўст деб билишади. Кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўқиш даврида салмоқли

ютуқларга эришган битирувчилардан Гулойим Жумабоева дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионатида олтин медални кўлга киритиб, олий таълим муассасасига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Аини пайтда у Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти талабаси.

Асия Ильханова эса "Ишбилармон ўқувчи — 2015" танловида иккинчи, "Ташаббус — 2016" қўриқ-танловининг "Ёш ишбилармон маҳсулоти — жаҳон бозорида" номинациясида учинчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг стипендияси ҳамда энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдориде имтиёзли кредит олиш имконини кўлга киритди. Ҳозир интилувчан қиз тadbirkor сифатида ўз фаолиятини бошлаш арафасида.

Худуддаги бошқа ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳақида ҳам ижобий фикрларни айтиш мумкин.

— Бу йил коллежимизни тамомлаган 360 нафар ўқувчи орасида халқаро танловлар ғолиблари ҳам бор, — дейди Тахматш энергетика касб-хунар коллежи директори Сейдулла Махалов. — Жумладан, Руслан Қўзибоев Озарбойжон Республикасининг Габала шаҳрида ўтказилган миллий таомлар бўйича халқаро ошпазлар танловида қатнашиб, жаҳоннинг 37 давлатидан келган моҳир ошпазлар орасида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, у республика миқёсида ташкил этилган кўплаб танловлар ғолиби ҳам. Биз жаҳон аҳлини халқимиз маданияти билан яқиндан таништиришга ҳисса қўшаётган ана шундай иқтидорли ёшларимиз билан фахрланамиз.

— Таомларни мазали тайёрлаш сирларини онандан ўрганганман, — дейди Руслан Қўзибоев. — Бу қизиқувчанлигим мени Тахматш энергетика касб-хунар коллежиде янгидан очилган ошпазлик йўналишига етаклади. Уч йил мобайнида таълим масканидаги устозларимдан миллий ва жаҳон халқлари таомлари-

ни тайёрлашни ўргандим. Коллежни битириб, ҳозир нон ва нон маҳсулотлари ҳамда қандолатчилик цехида фаолият юритаёман. Яқин орада банкдан кредит олиб, миллий таомлар ошхонасини очиш ниятим бор.

2016 йил аввалида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича битирувчиларнинг тadbirkorлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 11 миллиард 310 миллион сўм кредит ажратилиши режалаштирилган эди. Аини пайтда тadbirkorлик билан шуғулланиш истагидаги битирувчилардан 200 нафари тижорат банкларидан кредит олиб, ўз фаолиятини муваффақиятли бошлади.

— Нукус спорт коллежини тугатганимдан сўнг 15 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ўзим туғилиб ўсган Қораўзақ туманида озик-овқат дўконини очдим, — дейди Мухаммадхон Есбўинов. — Ҳозир ишларим кутганимдан ҳам аъло даражада. Келажакда халқ талаби ва тақлифларини ўрганган ҳолда дўконини кенгайтирмоқчиман.

Ҳозирги кунда чекка туман ва қишлоқларда ҳам корхона, фабрика ва цехлар ишга туширилаётгани ёшларнинг изланиш ва меҳнат қилишга иштиёқини оширапти. Мухими, ёш мутахассисларнинг куч ва салоҳиятига бўлган талаб ошиб бормоқда. 2016 йилнинг биринчи ярмида Амударё туманида 88 нафар кичик мутахассис бизнес субъекти сифатида қайд этилиб, бу секторда хизмат кўрсатаётган корхоналар сони 1910 тага етди. Шулардан бири "AMUDARYO-TEX" масъулияти чекланган жамиятида ишлаётган 420 нафар ходимнинг 200 нафардан ортиси маҳаллий коллеж битирувчиларидир.

Хўжайли туманидаги корхона, фабрика ва цехларда ҳам коллеж битирувчиларига талаб юқори.

— Ҳар йили касб-хунар коллежларидан озаб ўқувчилар корхонамизга келиб, амалиёт ўтайдилар, — дейди Хўжайли туманидаги "Elite stars textile" фабрикаси ходими Моҳида Ёқубова. — Амалиётни яхши ўтаганлар ишга қабул қилинади. Қувонарлиси, ходимларнинг кўпчилиги — коллеж битирувчилари. Ишчилар учун ҳамма имкониятлар яратилган. Иш қиймалари, уч маҳал иссиқ овқат ва транспорт хизмати бепул. Шунинг баробарида замон талабларига мос жиҳозланган ошхона, душ, тиббиёт хонаси ҳам ходимлар хизматида.

Корхона шу йилнинг ўзида 28 миллиард сўмлик асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани унинг ишлаб чиқариш қуввати ошганидан дарак беради. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асосан Россия, Польша, Молдова, Украина каби давлатларга экспорт қилинади.

Хўжайли тумани марказида жойлашган "Иброҳим Қудрати Ҳайбат" МЧЖ бундан икки йил аввал ўз фаолиятини бошлаган эди. Цех кунига 600 килограмм сутни қайта

Миллий дастур — амалда



ишлаб, қаймоқ, қатик, сметана, творог, ивиған қатик каби маҳсулотлар чиқаради. Сут маҳсулотлари асосан Хўжайли, Қўнғирот туманлари ва Нукус шаҳридаги корхона ва дўконларга шартнома асосида етказиб берилаетир. Бу ерда ҳам тўрт нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланган.

Ўтган икки-уч йил ичида Кегайли туманида ҳам хўжалик буюмлари, ошхона ва болалар учун мебеллар, замонавий пластик ойналар ишлаб чиқарадиган "Тимурмебель" цехи, "Халқбадагрофирма" наслчилик хўжалиги, "Автоқайыпмайшы", "Элитматериалсервис" масъулияти чекланган жамиятлари ишга тушди.

Ўтган йили иш бошлаган, пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Автоқайыпмайшы" МЧЖ раҳбари Женисбой Қайипов ишнинг кўзини билладиган, ёшлар билан ишлашни хуш кўрадиган, ишбилармон инсон.

— Кегайли маиший хизмат касб-хунар коллежини тугатиб, "Автоқайыпмайшы" масъулияти чекланган жамиятида иш бошладим, — дейди Аскарбой Ўрозбоев. — Мен билан бирга яна икки нафар коллеж битирувчиси ишга олинди. Бу ерда шарт-шароитлар яхши. Кунига ўртача 100 жуфт пайпоқ ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимиз сифатли ва арзон бўлгани боис бозорда савдо си чаққон.

Худуддаги талаб ва эҳтиёжни инобатга олган ҳолда 2016-2017 ўқув йилида ўттизта касб-хунар коллежиде 27 та янги мутахассислик ташкил этилди. Ихтиолог, ассларчилик, пойабзал, чарм-атторлик ва мўйна ишлаб чиқариш техник-технологии, меҳмонхона ва ресторани хизмати менежери, ободонлаштириш ишлари бўйича техник, биокимёвий ва виночилик маҳсулотлари техник-технологии, трикотаж ишлаб чиқариш техник-технологии, туристик хизматлар ташкилоти, ёғочга ишлов бериш ва мебел ишлаб чиқариш техник-технологии, ўрмон хўжалиги техник, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш техник-технологии каби мутахассисликлар шулар жумласидандир. Шунингдек, жорий ўқув йилида иқтисодиёт, ҳуқуқ йўналишларига қабул режаси ўтган ўқув йилига нисбатан қисқартирилди. Шуманай педагогика колле-

жи Шуманай педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи деб қайта ихтисослаштирилди.

Юртимизда юз бераётган янгиланишлар, амалга оширилаётган ислохотлар асосида ҳеч кимдан кам бўлмаган, юксак интеллектуал салоҳиятга эга баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мақсади муассасамизни қувонарли ҳолдир. Энг муҳими, яратилган шароитлардан унумли фойдаланаётган ёшлар чет тилларни пухта эгаллаб, замонавий технологияларни бошқариш ва нуфузли ташкилот ва корхоналарда самарали фаолият юритиш қўникмасига эга бўлмоқда.

Айтиш жоизки, ўтган ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикасидаги касб-хунар коллеж битирувчиларидан 659 нафари олий таълим муассасасига ўқишга кирган йигит-қизлар бўлиб, улар орасида фан олимпиадаси ғолиблари, Осиё ва Ўзбекистон чемпионлари ҳам бор. Жумладан, Набира Есенбаева эркин кураш бўйича бир неча бора Ўзбекистон чемпиони бўлган. Шунингдек, у 2014 йили Таиланда ўтказилган Осиё чемпионатида учинчи, 2015 йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида биринчи, 2016 йили Манила шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатида ҳам ғолибликни кўлга киритди. Бу йил иқтидорли қиз Нукус спорт коллежини тугатиб, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг жисмоний маданият факультетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Набира каби иқтидорли ёшлардан яна бири Абадан Барлиқбоева Нукус агроиктисодиёт касб-хунар коллежиде ўқиб юрган кезлари қорақалпоқ тили ва адабиёти фанидан фан олимпиадасида қатнашиб, республикада биринчи ўринни кўлга киритди. Натижада Қорақалпоқ давлат университетининг қорақалпоқ филологияси факультети талабаси бўлиш бахтига эришди. Хуллас, ўрта махсус, касб-хунар таълими битирувчилари катта ҳаёт оstonасига дадил қадам қўйиб, меҳнати ва қобилияти билан мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Несибеи МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири



Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Элликқалъа туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 132 корхона, ташкилот ва муассаса 386 бўш иш ўрни билан иштирок этди.**

Меҳнат ярмаркасида 50 га яқин касб-хунар коллежи битирувчиси мутахассислиги бўйича ишга йўланма берилди. — Жорий йилда Элликқалъа тиббиёт коллежини тугатаман, — дейди Назокат Нураддинова. — Ярмаркада эгалланган мутахассислигим бўйича ишга жойлашиш учун йўланма олдим. Келгусида туман тиббиёт бирлашмасида инсон саломатлигини мустаҳкамлашдек шарафли ишга ҳисса қўшиш ниятидаман.

Меҳнат ярмаркасида тadbirkorлик билан шуғулланиш истагини билдирган ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. 15 нафар колледж битирувчисига банклардан имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилди.

Жорий йилда Элликқалъа туманида қабул қилинган бандлик дастури асосида саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлигини ривожлантириш ҳисобидан 3 минг 500 га яқин янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

❖ **Хива тумани ҳоқими Эркин Ёқубов бир гуруҳ фаол ёшлар билан учрашди.**

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган учрашувда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёш тadbirkorлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Хива тумани аҳолисининг 158 мингдан зиёди 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Туманда 10 касб-хунар коллежи, 1 академик лицей, 58 умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда.

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши учун барча шароит яратилмоқда, — дейди Хива туризм касб-хунар коллежи ўқувчиси Ирода Давлетова. — Жумладан, туманимиз марказида жорий йилнинг иккинчи ярмида "Ёшлар маркази", ёпиқ сув ҳавзаси, "Қамолот" кутубхонаси каби иншоотлар фойдаланишга топширилишини эшитиб, барча ёшлар бирдай хурсанд бўлди. Бу ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайишга хизмат қилади.

Учрашувда ёшлар туман ҳоқимига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди.

❖ **Арносай туманида 7 минимаркет ва 7 минибанк иш бошлади.**

Тумандаги барча маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида биттадан, жами 7 минимаркет қурилиб, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш яхшиланди. "Агробанк", Халқ банки филиаллари бинолари капитал таъмирланиб, 7 минибанк ишга туширилди. Банк, савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчалари банкот, терминаллар билан тўлиқ таъминланиб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш йўлга қўйилгани аҳоли учун катта қулайлик бўлди.

Бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари жараёнида аҳолининг маданий дам олиши учун янада қулайлик яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туман марказида дам олиш ҳиёбони барпо этилиб, турли аттракционлар ўрнатилди. Соғломлаштириш маркази, замонавий меҳмонхона барпо этилди. Йўллар таъмирланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Умумтаълим фанлари олимпиадаси

зукко ва билимдон ўқувчиларни саралади

Мактаб ўқувчиларининг билим даражасини аниқлаш, умумтаълим фанларига қизиқишини янада ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили 9-синф ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда фан олимпиадаси ўтказиб келинмоқда. Шу кунларда беллашувнинг туман босқичи бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимиздаги 184-мактаб мезбонлик қилган Чилонзор тумани босқичида ҳудуддаги 31 та мактабдан 500 нафар ўқувчи 17 фан қесимига ўзаро баҳс олиб борди.




Қатнашчилар олимпиаданинг биринчи кунда саволларга ёзма шаклда жавоб берган бўлса, иккинчи кунги тест синовидан ўттишди. Уларнинг ишини ҳолисона баҳолаш, энг муносибларини аниқлаш учун малакали, тажрибали педагоглардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати шакллантирилди.

— Олимпиаданинг туман босқичига қадар кенг жараёнда билимдон тенгдошларимнинг имконият даражаси юқорилигига гувоҳ бўлдандим. Туман босқичига келиб, бун-

дай тенгдошларимнинг кўплиги мени янада ҳайратга солди, — дейди биология йўналишида мезбон мактаб шарафини ҳимоя қилаётган иштирокчи Жалолиддин Бобоев. — Рақобатчи ўқувчиларнинг кўплиги мени янада кўп ўқиб, изланишга ундайди. Олимпиаданинг туман босқичида яхши натижа кўрсатиб, кейинги босқичга ўтиш ҳамда устозларим ва яқинларим ишончини оқлашни мақсад қилганман.

Шунингдек, Юнусобод туманидаги 274-мактабда 548 нафар 9-синф ўқувчилари билимларини синовдан ўтказди. Синовлар юқори савияда ўтиш учун барча шароитлар яратилди. Ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси шакллантирилди. Ўқув-лаборатория хоналари ҳамда зарур жиҳозларнинг шайлиги ўқувчиларга амалий синов жараёнида қулайлик яратди.



Фан олимпиадасининг Олмасор тумани босқичида дастлабки саралашда ғолибликни қўлга киритган 634 нафар ўғил-қиз кейинги босқич йўлланмаси учун куч синашди. Яқунда 76 балдан юқори кўрсаткич қайд этган 1-, 2-ҳамда 3-ўрин эгалари кейинги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ, «Ma'rifat» мухбири Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Қўшма қарор муҳокамаси

Тошкент шаҳар ҳокимлигида оилада соғлом муҳитни таъминлаш, фарзандлар тарбиясида ота-оналарнинг масъулиятини ошириш масаласига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тadbirkor ташкилотчилар "Тошкент шаҳрида ота-она ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтиришга қaratилган қўшма чора-тadbirkorлар тўғрисида"ги қўшма қарор ҳақида батафсил тушунча бериб, мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини батафсил шарҳладилар.

— Оилада соғлом муҳитни қарор топтириш энг аввало ота-онанинг бўлиши, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов. — Баъзан арзимаган сабаб билан оиласини барбод, фарзандларини етим қилаётган ки-

шиларни кўриб, кўнгли ранжийди. Шаҳар ҳокимлиги ҳамда қарор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида қабул қилинган ушбу қарор оилалар тотувлигини таъминлаш, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишида ота-оналар ўрнини кучайтиришдек давлат аҳамиятига молик вазифа ижросини янада такомиллаштиради. Кенг жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши зарур. Зеро, ватан оиладан бошланади. Ҳар биримиз оила муқаддаслигини унутмаган ҳолда, хонадонларимиз тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга масъулмиз.

Матбуот анжумани сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларга атофтича жавоб берилди.

Ҳасан МЎМИНОВ, «Ma'rifat» мухбири

Маҳалла — Ватаннинг бир бўлаги

Бошланғич синф ўқувчиларининг давлат таълим стандартлари талабини бажаришда фанларга қизиқишини орттириш, синфдан ташқари тadbirkorларда иштирокини фойдаллаштиришнинг аҳамияти катта.

Мақтабимизда 1—4-синф ўқувчилари ўртасида «Маҳалладан бошланар Ватан» мавзусида ижодий ишлар кўрик-танло-

ви ўтказилди. Унда ўқувчилар ўзлари яшаб турган маҳалла ҳақида батафсил фикр юритишга ҳаракат қилишди. Айниқса, болаларнинг маҳалласидаги боғча, мактаб, шифохона ҳақида фикр билдиргани, маҳалласини Ватаннинг бир бўлаги, деб таърифлагани эътирофга сазовор бўлди.

Танловда ижодий ишларнинг мазмуни билан бирга хусният-

га ҳам эътибор қаратилиб, "Кимнинг хати чиroyли?" номинацияси бўйича ғолиблар аниқланди. Таътилни мазмуни ўтказиш мақсадида барча ўқувчилар иштирокида туманимиздаги ҳиёбонга саёҳат уюштирилди.

Турдихол НОРОБОВА, Зарбдор туманидаги 3-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

«АРМИЯ — ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ РАМЗИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Диққат, танлов!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мудрофаа вазирлиги ва Миллий теле-радиокомпания ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан журналистлар ўртасида «Армия — юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи» республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳияти ва ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, сар-

ҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз тинчлиги ва мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатётган ҳарбийларнинг мардона хизмати, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-маиший шароитлар яратиш бора-сида амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил этилган ва маҳорат билан ёритилган бўлиши лозим.

«Армия — юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи» танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:

— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-, 2-, 3-ўрин);

— тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-, 2-, 3-ўрин);

— радиожурналистларнинг эшитиришлари (1-, 2-, 3-ўрин);

— интернет нашрларидаги материаллар (1-, 2-, 3-ўрин);

— фотожурналистикага оид материаллар (1-, 2-, 3-ўрин).

Танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланади.

Танловга 2016 йил давомида ҳамда 2017 йилнинг 31 мартигача газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, фоторепортажлар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камиди 5 та) 2017 йилнинг 5 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари рўйхати матбуотда эълон қилинади. Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида маълумот (объект-тивка);

— муаллифнинг паспорт нусхаси;

— иш жойидан тавсиянома;

— муаллифнинг манзили ва боғла-ниш телефонлари.

Ижодий ишлар «Армия — юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи» тан-ловига деб кўрсатилган ҳолда қуйи-даги манзилга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87,

веб-сайт: www.journalist.uz

2017-yil 11-yanvar, № 3 (8964)



Fikr, mulohaza, taklif

Халқ таълими вазирлигининг 10-06 қисқа рақамли “ишонч телефони” орқали билдирилаётган таклиф ва мурожаатлар жиддий ўрганилиб, ечимини кутаётган муаммолар ўз вақтида бартараф этилаётгани халқ билан мулоқотнинг самарали шаклига айланди. Биргина “Ишонч телефони”га шу йилнинг ноябрь ойи мобайнида 253 та таклиф, ариза ва шикоятлар келиб тушган. Мурожаатларнинг 33 таси педагог ходимларнинг ойлик маошига директор жамғармаси ҳисобидан устама ҳақ белгилаш ҳақида эканлиги, улар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги адолатсизликлар мавжудлиги, ҳолисликни таъминлаш борасида тажрибанинг етарли эмаслигидан далолат беради. Уларни ҳал этиш, педагоглар меҳнатини адолатли баҳолаш ва муносиб рағбатлантиришни йўлга қўйишда мактаб раҳбарларига илғор тажрибалар қўл келади.

Устама ҳақи иш сифатига қараб берилганда

жамоада соғлом рақобат, ташаббускорлик муҳити қарор топади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 ноябрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра бугунги кунда педагогларимиз фаолияти муносиб рағбатлантирилмоқда. Ўрнатилган педагог ходимларга устама ҳақ белгилаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими жорий этилгани туфайли мактабларда соғлом рақобат муҳити шаклланиб, ўқитувчиларни янгидан-янги ташаббусларга ундамоқда.

Мазкур қарор ижросини тўла-тўқис таъминлаш махсус комиссия зиммасига юклатилган. Мактаб директори раислик қиладиган комиссияга ўқув ишлари бўйича ўринбосар масъул котиб саналади. Комиссия таркибига мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, ота-оналар ҳамда ўқитувчилардан вакил киритилади. Ушбу гуруҳ ўқитувчиларнинг устама ҳақ олиш учун ёзган аризаларини ўрганиб, меъёрий ҳужжатлар(диплом, малака ошириш курсини ўтагани, малака тоифаси), йил давомида таълим-тарбия соҳасида эришган ютуқларини кўриб чиқиб, устама ҳақ белгилайди.

Мониторинг гуруҳи томонидан тавсия этилган ҳар бир ўқитувчи дарс берадиган синф ўқувчиларидан фани бўйича тестлар олинади. Касбий маҳорати учун қўйилган талаб ва мезонлар бўйича ўқувчилардан олинган мониторинг тестидан ташқари қуйидаги маълумотномалар тўлдирилади:

1) Ўқитаётган фани бўйича ўқитувчи билимининг ДТС талабларига мос келиши;

2) Ўқитувчининг дарс ўтишга тизимли тайёрланиш сифати;

3) Таълимий тайёргарлик даражасини жорий ва оралиқ назорат қилишни режалаштириш ва ташкил қилишнинг замонавий методларини эгаллагани, ўқувчилар билимини ҳолисона баҳолаши;

4) Суст ўзлаштирувчи ўқувчилар билимларини ДТС талаблари даражасига кўтариш бўйича қўшимча таълимни ташкил этиши;

5) Ўқувчиларнинг билим, кўникмаларини ДТС талаблари кўрсаткичидан ошириш учун ўқитувчи татбиқ этган ўқитиш усуллари;

6) Дарсларда ДТСда кўзда тутилган, мураккаблик даражаси юқори мавзулар учун дидактик ва бошқа қўшимча тарқатма материаллардан мақсадли фойдаланиши;

7) Ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини объектив баҳолаши;

8) Синфдан ва дарсдан ташқари машғулотлар, тўғрақ ишини фаол олиб бориши;

9) Дарсда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш самардорлиги;

10) Ўқитувчининг ўқувчилар билан индивидуал ишлаши, фанига нисбатан қизиқиш уйғотиш маҳорати.

Шу каби мезонларга кўра ўқитувчига касбий маҳорати учун устама ҳақ фозизи белгиланади.

Ўқитувчининг тарбиявий ва синфдан ташқари ишларига қўйилган талаб ва мезонлар эса қуйидаги маълумотномани тўлдириш орқали аниқланади:

1) Ўқувчиларни тўғрақ ва секциялардаги доимий машғулот ва ижодий фаолиятга жалб қилиш даражаси;

2) Ўқувчиларда ҳаётининг кўникмалар, ахлоқий-иродавий сифатларни шакл-

лантириш бўйича ишлар самардорлиги;

3) Ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш бўйича амалга оширилган ишлар;

4) Ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар, жумладан, вояга етмаганлар масалалари, маҳалла ҳамда ота-оналар билан ҳамкорлигининг мақсадли йўналтирилганлиги;

5) Педагогик маҳорат ва ўқувчиларни маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича синфдан ташқари

фанлар олимпиадасида эришган натижалари, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” кўрик-танловлари, фан олимпиадасида иштироки, матбуотда чиқиши ёки иш фаолиятининг туман, вилоят, республика миқёсида оммалаштирилгани, семинар, илмий-амалий конференцияларда иштироки, ўқитувчи ва ўқувчилар одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши, маънавий-маърифий тадбирлардаги шахсий ҳиссаси, ободонлаштириш ишларидаги иштироки махсус

Т/р	Ўқитувчининг ФИО	Маънавий-маърифий ишлар, танлов ва мусобақалар, ободонлаштириш тадбирларидаги иштироки	Сана	Ўқитувчининг имзоси
1.	ФИО	“Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг туман босқичида 1-ўринни эгаллади.	2016 йил 22 февраль	
2.	ФИО	25 май куни “Хайр, мактаб — салом, коллеж!” байрам тадбирида иштирок этмади.	2016 йил 25 май	

машғулотларни ўтказиш даражаси;

6) Ота-оналар билан ишлашнинг педагогик мақсадга мослиги ва унинг жамиятни ривожлантириш мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги;

7) Болалар ва ёшлар ҳаракатлари билан ишлаш самардорлиги;

8) Ўқувчиларнинг меҳнат, экологик ва эстетик тарбияси бўйича фаолияти.

Ушбу тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар бўйича мезонлар ҳамда тест натижалари умумлаштирилиб, юқори синфларда 76 фойздан 100 фойзгача, бошланғич синф ўқитувчиларига 80 фойздан 100 фойзгача натижа кўрсатганда касбий маҳорати учун 25 фойзгача, тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун 15 фойзгача ойлик иш ҳақиға

комиссия томонидан ўрғанилади ва мактаб директорининг ўринбосарлари тавсия беради.

Мактаб раҳбарининг ўринбосарлари йил давомида ўқитувчиларнинг иш сифатини назорат қилиб, ҳулосаларини мактаб педагогика кенгашига ҳавола этади. Бу ўз навбатида ўқитувчилар ва синф раҳбарлари ишининг очиқ ва ошқора баҳолалишига, иш сифати яхшиланишига олиб келади.

Айни ишларнинг мунтазамлигини таъминлаш учун мактабимизда ўқитувчиларнинг таълимий жараёндаги ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини қайд этиб бориш журналини юритишни йўлга қўйдик. Журнал қуйидаги жадвалдагидек тўлдириб борилапти.

Шу тартибда ўқитувчи-

ларнинг эришган ютуқ ва ишда йўл қўйган камчиликлари қайд этилиб, педагогнинг имзоси билан тасдиқланади. Биламизки, устама ҳақ фозилари бир ўқув йилида бир марта белгиланади, ўқув йилининг ярмида кўриб чиқилади. Қўшимча киритилмайди, натижалари паст ўқитувчиларнинг устама ҳақ фозилари олинади ёки пасайтирилади.

Таълим муассасасида педагог ходимлар ўртасида тушунмовчилик ва норозиликларнинг олдини олиш мақсадида юқорида кўрсатилган ютуқ ва камчиликларни рўйхатга олиш журнали ойна бўлиб хизмат қилади. Ўзини ўзи мукофот ёки устама ҳақ олишга тавсия қилиб кирадиган ўқитувчиларни мулоҳаза қилишга, фаолиятини таҳлил этишга ундайди, соғлом муҳит қарор топишига олиб келади.

Агар биз ўқув ишлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари жамоада иш сифатининг яхшиланиши ва мактаб рейтингини кўтариш учун ушбу жадвал асосида журналдан фойдалансак, ўқитувчилар ва раҳбар ходимлар ўртасида шаффоф иш тизими шаклланади. Ўқитувчининг

ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш бўйича ўтган тўғрақ машғулотларини амалда ҳақиқатда ўтганлигини ҳам ушбу журналга қайд қилиб боришимиз мумкин. Бу эса ўқитувчининг иш фаолияти жонлинишига олиб келади. Худди шунингдек, ҳар бир ўқитувчининг дарс берадиган фани бўйича мониторинг натижаларига асосан ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш чораларини амалга оширишимиз, шу орқали ўқитувчиларнинг рейтингини чиқаришимиз мумкин бўлади.

Шоҳобиддин ҚОДИРОВ,
Булунгур туманидаги
67-мактаб директорининг
ўқув ишлари бўйича
ўринбосари,
Файратжон ҚОРАБЕКОВ,
шу мактаб директорининг
маънавий-маърифий ишлар
бўйича ўринбосари



Tajriba

Методбирлашма — педагог эҳтиёжидан хабардор марказ

Методбирлашмалар ўқитувчиларга методик ёрдам берувчи, илгор тажрибаларни омалаштирувчи маҳорат мактабидир. Бундай дейишимизга сабаб ўқитувчининг касбий савияси, маҳорати, психологик хусусиятлари, шахсий сифати ва методик таъминоти даражаси биринчи бўлиб методбирлашмада аниқланади. Умуман ўқитувчи фаолиятини мувофиқлаштирувчи энг куйи бўлган сифатида мактаб методбирлашмалари фаолиятини белгиланган талабларга кўра ташкил этиш таълим муассасаси муваффақиятини таъминлайди. Шундай долзарбликни ҳис этган ҳолда туманимиз мактабларидаги мактаб методбирлашмаларининг тизими, мунтазам, кенг қўламли мақсадга йўналган ҳолда иш олиб боришини таъминлашда уч босқичли фаолият режасини ишлаб чиқдик.

Унга кўра, **1-босқичда** методбирлашмалар фаолияти низом асосида ташкил қилинганлиги (иш режаси, йиғилиш баённомалари, ҳисоботлар) ўрганилади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилади.

2-босқичда ўрганиш асосида методбирлашмаларга доир ҳужжатлар (иш режаси, йиғилиш баённомалари, ҳисоботлар ёзилиши) намунали деб топилган мактаб методбирлашмалари иш тажрибаси омалаштирилади.

3-босқичда омалаштиришга тавсия этилган илгор тажрибаларни амалиётга қўллаш бўйича методбирлашмалар ўртасида кўриктанлов ташкил этилиб, ғолиб жамоалар иши ўрганилади.

Ушбу уч босқичли фаолият режаси бўйича иш олиб борганимизда мактабларда методбирлашмалар фаолияти жонланди. Мутахассис-методистлар, энг намунали методбирлашма раҳбарлари ҳамкорликда методбирлашмалар иш режаси, йиғилиш баённомалари, ҳисоботлар ёзилиши юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Мактаб раҳбарлари зиммасига илгор тажрибали услубий бирлашма раҳбарларининг ишини омалаштириш, маънавий ва моддий рағбатлантириш вазифаси юклатилди. Натижада методбирлашма раҳбарлари масъулияти ортиб, ёш ўқитувчиларга очик дарсларни ташкил этиш, методик маърузалар ёзиш, кенгайтирилган ва ижодий ёндашилган дарс ишланмаларни яратиш бўйича методик тавсиялар берилди, барча ўқитувчилар соғлом рақобат муҳитида фаолият олиб борди.

Тегишли йўналиш ёки фан бўйича методбирлашмаларда методик таъминотга бўлган эҳтиёжни аниқлаш йўллари ҳам ойдинлашди. Хусусан, ўқувчиларнинг назорат ишлари натижалари мониторинг қилинди ва методик кўмакка эҳтиёжи бор педагоглар тажрибали устозларга бириктирилди. Уларга намунали дарс ўтиш, методик материаллар билан ишлаш бўйича семинар-тренинглар ташкил этдик. Методик тавсиялар берилиши туфайли ўқитувчилар намунали дарс ташкил этишга интилиб, маҳорат мактаблари машғулотида фаол иштирок этмоқда. Бу педагогнинг мунтазам равишда ўз устида ишлаб, Давлат таълим стандартлари талаблари, ўқув режаси ва дастурлари бажарилишида суҳбатчиликка йўл қўймаслигини таъминлайди. Ушбу механизмнинг самара бериши туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ фан методистлари ва белгиланган "Маҳорат мактаби" тренерлари, методбирлашма раҳбарларининг вазифасига масъулият ва ижодий ёндашувини тақозо этади.

Салимжон АЗИМОВ,
Чуст тумани ХТМФМТТЭБ
аниқ фанлар методисти

Uchta masalani bir xil usulda yechgandan ko'ra...

O'quvchilarning fikrlash qobiliyatlarini oshirishda bir tipdagi bir nechta masalani yechishga qaraganda bir masalani bir nechta usulda yechgan foydaliroq.

VI sinf "Matematika" darsligida "Proporsiyalar. Proporsiyaning asosiy xossasi" mavzusidan keyin 617-masala (Abu Rayhon Beruniy masalasi) keltirilgan.

Masala: agar 10 dirham 2 oyda 5 dirham foyda keltirsa, 8 dirham 3 oyda qancha foyda keltiradi?

Masala Beruniyning besh miqdor qoidasi asosida algebraik usulda yechib ko'rsatilgan. 8 dirham 3 oyda X dirham foyda keltiradi. Miqdorlarni dirhamga dirham, oyga oyni mos qilib quyidagicha joylashtiramiz:

$$\begin{array}{r} 10 | 8 \\ 2 | 3 \\ \hline 5 | x \end{array}$$

Quyidagi tenglikni tuzamiz:

$$\frac{10}{8} \cdot \frac{2}{3} = \frac{x}{5}$$

Bundan $X=6$ kelib chiqadi. Miqdorlarni tubandagidek joylashtirish ham mumkin.

$$\begin{array}{r} 8 | 10 \\ 3 | 2 \\ \hline x | 5 \end{array}$$

$$\frac{8}{10} \cdot \frac{3}{2} = \frac{x}{5}$$

Bunda ham $X=6$ kelib chiqadi. Endi shu masalani arifmetik usulda yechamiz.

1-savol. 1 dirham 2 oyda qancha foyda keltiradi?

$$5:10=0,5 \text{ (dirham)}$$

2-savol. 1 dirham 1 oyda qancha foyda keltiradi?

$$0,5:2=0,25 \text{ (dirham)}$$

3-savol. 8 dirham 1 oyda qancha foyda keltiradi?

$$0,25 \times 8 = 2 \text{ (dirham)}$$

4-savol. 8 dirham 3 oyda qancha foyda keltiradi?

$$2 \times 3 = 6 \text{ (dirham)}$$

Javob: 6 dirham

Endi shu masalani yana boshqa usulda yechamiz: 8 dirham 10 dirhamdan necha marta kichik bo'lsa, uning foydasi ham shuncha kam bo'ladi:



Qayroqtosh

$$10:8=1,25$$

$$5:1,25=4$$

3 kun 2 kundan necha marta ko'p bo'lsa, uning foydasi ham shuncha marta ko'p bo'ladi:

$$3:2=1,5$$

$$4:1,5=6$$

Javob: 6 dirham

Endi shu usullardan foydalanib yechiladigan bir nechta masalani keltiramiz:

1-masala. 10 ta nasos 10 minutda 10 tonna suv chiqaradi. 25 ta shunday nasos 15 tonna suvni qancha vaqtda chiqaradi?

2-masala. 4 ta qush 4 ta qurtini 4 minutda yedi. 20 ta qush 20 ta qurtini necha minutda yeydi?

O'nli kasrlar ustida bajariladigan ko'paytirish va bo'lish amallarining V sinfda o'tilishini hisobga olsak, bunday masalalardan V sinfda ham foydalanish mumkin.

Rustam ADAMBAYEV,
Bog'ot tumanidagi ayrim fanlarni chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan maktab-internatning matematika fani o'qituvchisi

Уйга вазифа қизиқарли бўлса

Ўқувчиларда мустақил ўқиб-ўрганишга иштиёқ янада ортади

Ўқитувчи — дарс ижодкори. У тайёр педагогик технологияларнинг оддий ижроси эмас, балки, маҳорат ва заковатини намойён этиб, ўз услуби орқали мавзунинг терекин очиб бериши зарур. Замонавий ўқитувчи олдинга қўйилаётган талаб ҳам шу. Бундай имкониятдан унумли фойдаланаётган кўпчилик ўқитувчиларимиз дарс самарадорлигини оширишга эришиб келмоқда. Гап таълим-тарбия сифатини ошириш, ўқувчиларни бўш вақтдан унумли фойдаланишга йўналтириш, билимини бойитиш ва маънавиятини юксалтириш ҳақида борар экан, дарслардан сўнг, уйга вазифа бериш ҳам ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади.



Sinab ko'ring

Айниқса, миллий ғоя ва маънавият асослари туркумига кирувчи фанларда уйга вазифа бериш масаласи ўқитувчини биров изланишга ундайди. Ўқувчилар бу фанлардан уйда фақатгина шеър ёдлаши, матн ўқиб келиши каби вазифаларни бажариш билан чекланиб қолмаслиги керак. Ўқитувчи дарсининг бу қисмига ҳам ижодий ёндашиб, турли топшириқларни бериши зарур.

Масалан, 3-синф одобнома фанидан "Конституциямизда болалар ҳуқуқи", "Мен Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман" каби мавзуларни ўтган-

да ўқувчиларни изланишга қорлайдиган, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган "Менинг бурчларим", "Конституция ва биз" мавзусида ижодий матн тузиш, расм чизиш каби вазифаларни, 4-синф одобнома фанидан "Мустақиллик йилларида тикланган тарихий обидалар, ёдгорликлар" мавзусини ўтганда уйга вазифа сифатида "Ўзингиз яшаётган шаҳар, туман ёки вилоятдаги тарихий обидалар ҳақида маълумот топинг" ёки "Буюк қадамжолар" мавзусида расм тайёрлаб келиш каби вазифалар бериш мақсадга мувофиқ.

Янги мавзунинг ўтиш аввалида энг чиройли расм чизган ёки энг кўп тарихий обидалар ҳақида маълумот топиб келган ўқувчилар рағбатлантирилса, фанга қизиқиш, ўқиб-ўрганишга иштиёқ янада ортади. Уйга вазифани бажариш жараёнида эса ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилади.

Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларда уйга вазифа сифатида "Оғоҳлик — давр талаби", "Мен — Ватаним посбониман", "Анъаналар давом этмоқда", "Мен танлаган касб", "Ўзбекистон — қадриятлар бешиги", "Менинг оилам", "Мен севган китоб", "Севимли қаҳрамоним", "Хотира муқаддас", "Оилада менинг ўрним" каби мавзуларда ижодий матн ёзиш, расм чизиш, суҳбатлашиш, тақдирот ва реферат тайёрлаш, ҳикоя ва шеър ёзиш, саҳна чиқиши тайёрлаш каби топшириқларни бажариш ўқувчилар таълим-тарбиясига ижобий таъсир ўтказди. Дунёқарашини кенгайтириб, ижодкорлик, ихтирочилик қобилиятларини ривожлантиради. Қалбида маънавий бўшлиқ пайдо бўлишининг олди олинади.

Умуман олганда, дарсдан кейинги машғулотларни ташкил этиш, уйга вазифалар беришда болаларни орқича руҳий ва жисмоний зўриқтирмай, аксинча, қизиқарли топшириқларни бажаришга йўналтириш лозим. Шунда биз, муаллимлар ёш авлод таълим-тарбияси масаласида қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришамиз.

Нафиса ОЧИЛОВА,
Шофиркон туман
ХТМФМТТЭБ миллий ғоя ва маънавият асослари фани методисти

2017-yil 11-yanvar, № 3 (8964)

Амалиётчи психолог маҳорати

ўқувчиларнинг қобилиятини юзага чиқаришда намоён бўлади

Жамиятда ўз ўрнини топа олмаслик инсон руҳиятига салбий таъсир этади. Мутахассислар фикрича, истеъдоди ва қобилиятига муносиб касб-хунар эгаллай олмагани, шaroитнинг етарли эмаслиги одамнинг бундай вазият билан юзлашишига асосий сабаблардандир. Шу боис юртимизда ёшларнинг қизиқиши ва лаёқатига мос касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларни мактаб даврида қоқ муайян соҳага йўналтириш ишлари изчил йўлга қўйилиб, уларнинг қобилиятини юзага чиқариш ва ривожлантиришга малакали амалиётчи психологларнинг бириктирилгани ўз самарасини бераётир. Бухоро туманидаги 5-мактабнинг амалиётчи психологи, "Йилнинг энг яхши психологи — 2015" кўрик-танловининг 2-ўрин соҳибаси Зебинисо Маъмурова ҳам ёшларнинг касбий қизиқиши ва иқтидорини аниқлаш ҳамда лаёқатига мос соҳани танлашига кўмаклашишда ўзига хос тажрибага эга.

Ишончга ҳам қувват даркор

Фан ўқитувчиларию синф раҳбар унинг дастидан "дод" дейдиган ўқувчининг ота-онаси ҳам фарзанди келажакдан ташвишда. Негаки, ўсмир на ўтириб дарс қилишни, на бирор хунарни кунт билан ўрганишни истайди. Насихат қилинса, нигоҳи билан "ер чизиш"дан нарига ўтмайди. Бошқалардан фарқи ўларок, психолог "Йўқ, бу бола, албатта, нимагадир қизиқади. Унинг ўзлигини топишига кўмаклашиш зарур", дея мушоҳада қилиб юрди. Шу мақсадда ишга киришган Зебинисо Маъмуровага йиллар давомида тўплаган тажрибаси, синчковлиги ёрдам берди. Бир неча ой мобайнида олиб борган кузатишлари ўқувчининг қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, ўқувсиз эмас, аксинча, чорва молларини парваришлаган иштиёқ билан эканини кўрсатди.

— Ўқувчи бўш вақтини асосан амакисининг чорвачилик фермасида ўтказиши эътиборимни тортди, — дейди мутахассис. — Тахминларим тасдиқини топгач, у билан суҳбатлашдим. "Ким бўлмоқчисан?" деган саволимга одатдагидек елка қисиб: "Мендан ҳеч ким чиқмайди", деди ўсмир. "Фермада кўрдим, кўзичокларинг жуда ёқимтой экан. Бузоқларни парваришлашни ҳам биласанми?" деган саволимни эшитиб ўқувчининг кўзи чакнади. Чорва моллари касалланганида қандай қилиб тузатишни, уларга қачон, нима озуқа ва сув бериш кераклигини завқ билан сўзлаб берди. Шундан сўнг унга: "Ўғлим, кишлоғимизга ветеринария соҳасини яхши билладиган мутахассислар жуда зарур. Балки шу хусусда ўйлаб кўрарсан", деган эдим, у худди йўқотиб қўйган қимматбаҳо буюминини топган одамдек суюниб кетди. Шундан сўнг ўқувчини туманимиздаги қўшлоқ ҳўжаллиги касб-хунар коллежига олиб бориб, таълим муас-

сасаси ҳаёти билан яқиндан таништирдим. Ветеринария йўналишига ўқишга кириш учун қайси фанлардан тайёргарлик кўриш лозимлиги бўйича тегшли маълумотлар олдик. Унинг касб танлаш ҳақидаги қарорини эшитиб, ота-онаси ҳам мамнун бўлди. Коллежда олиб борилган амалий машғулотлар ўсмирнинг интилишини, ўзига ишончини янада оширди. Айни пайтда у ўқишни олий таълим муассасасида давом эттириш ниятида астойдил изланмоқда.

Зебинисо Маъмурова қуйи синфларда қоқ бола-ларни касблар оламига олиб кириш, мактабда ташкил этилган меҳмонхона хизмати, ошпазлик, тўқиш ва тикиш, дурадгорлик тўғрисида фаолиятини кузатиш, ота-оналар билан доимий ҳамкорлик ўрнатиш, худуддаги соҳалар ривож, тадбиркорлар олиб бораётган ишлар билан ўқувчиларни таништириш орқали ёшларнинг келгуси ҳаётини белгилаб олишида яқиндан ёрдам беради.

Янглиш қадам — бой берилган имкониятдир

Кўпинча ўз ҳаёли билан андармон юрадиган, тортинчоқ, камгап қизнинг чизма андозалари, табиат манзараларини ранг-баранг бўёқларда қоғозга кўчириши унинг дизайнерликка қобилияти борлигини кўрсатар, ташхис харитасидаги кузатишлар ҳам бунини тасдиқларди. Бироқ ота-она орзу-истагига монелик қилолмаган ўқувчи ҳўжатларини тиббиёт коллежига топширади. Афсуски, синовлардан ўтолмай ортага қайтганида ўзи кўп йиллардан буюн ўқишни ният қилган йўналишдаги ўринлар аллақачон банд бўлган эди.

— Қизиқиш ва истеъдодини яхши билганимиз учун ўқувчимизни қишлоқ ҳўжаллиги касб-хунар коллежининг тикувчилик йўналишига жалб этдик. Ҳозир таълим муассасасидаги ўқитувчилари билан қизнинг

Kasbga yo'naltirish



қобилиятини ривожлантириш, уни турли кўрик-танловларга олиб чиқиш хусусида тез-тез кенгашиб тура-миз, — дейди Зебинисо Маъмурова. — Айрим ота-оналарнинг фарзанди касб-хунари танлашига юзаки қараши ўғил-қизларнинг истеъдоди, ўзига ишончи сўнишига сабаб бўлаётир. Тўғри касб танлаш боланинг нафақат билим даражасига, балки феъл-атвори-га ҳам боғлиқ. Масалан, яхши шифокор бўлиш учун инсонда меҳрибонлик билан бирга, дадиллик, жасурлик, ўз фикрини аниқ, равон баён этиш, таъабот ва ўсимликлар оламига қизиқиш сингари хусусиятлар муҳассам бўлиши жуда муҳим. Шу ўринда ҳаётини воқеани сўзлаб берай. Бир ўқувчимиз ўлган мушукнинг қорнини ёриб, ички аъзоларини обдон кўздан кечиргач, билимига ишонч ҳосил қилиш учун тиббиёт институтида таҳсил олаётган қариндошини ёрдамга чақиради ва "операция"ни бирга яқунлашади. Бундан хабар топган баъзилар бола-ни шафқатсизликда айбла-ди. Мен учун эса бу ури-ниш ўқувчининг яширин иқтидорини кашф этиш ва шу аснода у билан иш олиб боришга ёрдам берди. Шу ўқувчимиз айни пайтда тиббиёт коллежидан аъло баҳо-ларга қўймоқда.

Психологнинг айтишича, қуйи синфлардан қоқ ўғил-қизларни барча касб-хуна-лар билан таништириш, машғулотларни турли ўйин, тренинглар кўринишида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Болалар шифокор, ўқитувчи, муҳандис сингари касблар моҳияти-дан хабардор, бироқ ўрмон

ҳўжалиги ходими, заргар, тупроқшунос, матбаа хо-ди-ми нималар билан шўғу-ланиши хусусида тушунча-га эга бўлмаслиги мумкин. "Биз мутахассислар, ав-вало, ўзимиз ана шу маълу-мотлар базасини яратиб, фаолиятимизга ижодий ёндашсак, болаларимиз-нинг мавжуд кенг имкони-ятлардан ўз вақтида фой-даланишига яқиндан кўма-клашган бўламиз", дейди амалиётчи психолог.

Олтинга тўлмаган халтача

Қадим замонда бир юрт қодосининг ишқи қўшни давлатда яшовчи чўпон қизига тушибди. Шоҳ ва-зирларини совчиликка юборар экан, қизнинг бар-ча истагини баҳо этишга тайёргилини билдирибди. Бу гапларни эшитган сулу-в оддийгина халтачани сов-чиларга бериб, уни тўла-тиб келишса, шоҳга тур-мушга чиқишга розилиги-ни билдирибди. Не ажаб-ки, салтанатдаги бор ол-тину жавохирлар солинса-да, халтача сира тўлмаб-ди. Шунда подшо ва-зир-ларга бу сирнинг тағига етишни амр этибди. Сара-симада қолган аъёнлар қизнинг олди-га бош эгиб боришга мажбур бўлибди. Ҳўш, халтачани қандай тўлдириш мумкин?

— Инсон қайси соҳани танлашидан қатъи назар, аввало, ватанпарвар бўлмоғи керак. Шундагина у ўз касбини ардоқлайди. Истеъдодини эл-юртининг истиқболи учун сарфлашга шай туради. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз-нинг буюк келажактини ўз соҳасининг билимдони, ус-таси, фидойиси ва айни

чоғда Ватанини жон-тани билан севадиган, унинг равнақи-га ҳисса қўша олса ўзидан рози, хурсанд бўла оладиган қалб соҳиблари яратади, — дейди Зебини-со Маъмурова. — Касблар хусусида турли усулларда машғул олиб борар экан-ман, болаларга "Шифокор юртининг гуллаб-яшнашига қандай ҳисса қўйиши мум-кин? Олим, ўқитувчи, электрлайвандловчи, ош-паз, боғбон, актёр-чи? Бун-и қандай таърифлаб бера оласиз?" каби саволлар би-лан мурожаат қиламан. Ўқувчиларда ҳорғинлик, зе-рикиш ҳолатларини сезсам, ҳикматлар, ривоятлар, қуй-қўшиқ, шеърлардан фойда-ланаман. Синфда ижодий муҳит, фаоллик ҳукм сур-гач, асосий мақсадга қўча-ман.

Дарвоқе, сеҳрли халтача ҳақидаги эртатка қайтсак. Чўпон қизи кир этагидан бир ховуч тупроқ олиб сол-ган экан, халтача дарров тўлибди. Ўзга юрт малика-си бўлгандан кўра ўз элим-нинг оддий аёли бўлганим яхши. Чунки Ватан зебу зар-ларга алмашилмайди, деб-ди қиз. Психолог юртни авайлаб-асраш, ота-она, оила, мактаб, устозни эъзозлашни юракларнинг қат-қатига сингдирувчи бу каби афсона ва ривоятлар-ни машғулотларида кўп бора такрорлайди.

Маҳоратли психологнинг тажрибалари билан тани-шар эканмиз, ёшларнинг тўғри касб танлашига оила-даги соғлом муҳит, ота-онанинг ақл-идрок ва эъти-бор билан бу масалага ёндашуви муҳим ўрин ту-тишига қайта-қайта амин бўламиз. Баъзан катталар-нинг "Фалон касбини танла-санг, бойиб кетасан", "Фа-лончи касбининг ортидан шундай-шундай натижалар-га эришди", "Менинг ишим-ни сен, албатта, давом эт-тиришинг керак" каби гап-лари ўсмирнинг ўз ички им-кониятлари билан "ҳисоб-лашмай", кўр-кўрона қарор чиқаришига сабаб бўлади. Мушоҳада қилиб юр-тадиган бўлсак, фарзанд қайси касб эгаси бўлишидан қатъи на-зар, хонадонда давом этиб келадиган яхши анъаналар-ни, ота-онаси бошлаган эзгу амалларни унутмасли-ги, аксинча бойитиб авлод-ларга етказиши мумкин. Касб танлаш борасида ада-шиб, ора йўлда қолса, омадсизлик уни тўғри йўлдан чалғитиши ҳеч гап эмас.

Доно халқимизнинг ҳар бир ибораси замирида кат-та ҳаётий ҳикмат муҳассам. "Фалончига новвойлик йўрғакда теккан", "Фалон-чи асли муаллим бўлиб ту-ғилган", "Фалончининг қўли — гул, қийим тикса, маъза қилади" каби муқоясалар ҳам бежиз айтилмаган. Зеро, чин дилдан меҳнат қилган инсоннинг иши эл-юртга манзур бўлиши ис-бот талаб қилмас ҳақиқат-дир.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Tinchlik uchun kurashish, bu hayotni oʻzimiz himoya qilishimiz kerak. Himoya degani — avvalo, ogoh boʻlish degani.

Islom KARIMOV

Ozod va obod Vatanni barpo etish, koʻpmillatli xalqimizning tinch-osuda, farovon hayotini taʼminlashga barchamiz masʼulmiz. Birinchi Prezidentimiz rahnamoligida mustaqillikning dastlabki yillaridan mamlakatimiz mudofaa qudratini mustahkamlash, sarhadlarimiz daxlsizligi, xalqimiz osoyishtaligini taʼminlash, harbiy xizmatchilarga yetarli sharoit yaratish borasida izchil islohotlar amalga oshirildi. Zamonaviy qurol-yarogʻ, texnika va yetuk harbiy mutaxassislarga ega professional milliy armiya Vatanimiz sarhadlarini munosib himoya qilmoqda.

Tinchlik uchun kurashmoq kerak

Qoʻshinlarning sifat tarkibi yangilanib, saflarini toʻldirish tartibi takomillashdi. Muddatli harbiy xizmatga jismonan sogʻlom, maʼnan yetuk va yuksak intellektual salohiyatli yoshlarni saralab olishing oʻziga xos tizimi yaratildi.

Bu yil Qurolli Kuchlarimiz tashkil etilganining 25 yilligini **“Oʻzbekiston — mustaqil Vatanimiz, milliy armiyamiz — faxru gʻururimiz!”** shiori ostida oʻtkazish uchun qizgʻin tayyorgarlik koʻrilayotgani harbiy xizmatchilar qalbini yanada toʻlqinlantirmoqda.

Shavkat Mirziyoyev Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishishiga bagʻishlangan tantanali marosim — Oliy Majlis palatalarining qoʻshma majlisidagi nutqida Qurolli Kuchlar, Milliy xavfsizlik xizmati, chegara va ichki qoʻshinlarining askar va serjantlari, ofitser va generallariga, barcha harbiy xizmatchilarga oʻz harbiy qasamyodi va muqaddas burchiga sadoqat uchun samimiy minnatdorlik bildirib,

harakatlar mazmun-mohiyatini keng targʻib qilish maqsadida quyidagilar tavsiya etiladi:

— Xalq taʼlimi vazirligining 2016-yil 23-dekabrda **“Xalq taʼlimi tizimida Oʻzbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil topganining 25 yilligi va Vatan himoyachilari kunini nishonlashga tayyorgarlik koʻrish va uni oʻtkazish toʻgʻrisida”**gi 302-sonli buyrugʻi ijrosini taʼminlash;

— taʼlim muassasalarida 2016-yil 22-dekabrda — 2017-yil 22-yanvarga qadar eʼlon qilingan **“Harbiy vatanparvarlik oyligi”** davomida ommaviy-vatanparvarlik tadbirlari tarix va huquq fanlari oyligi bilan uygʻunlashtirish, oʻquvchilarning huquqiy bilimlarini mustahkamlashga eʼtibor qaratish;

— Vatan himoyachilari kunini munosib kutib olish maqsadida oʻqituvchilardan iborat targʻibotchilar guruhi tuzish va ular ishtirokida **“Ertalabki saflanish”** va **“Tarbiyaviy soatlar”**da **“Tinchlik uchun**

kurashmoq kerak” shiori ostida **“Mardlik va jasorat darslari”**ni tashkil etish;

— oʻquvchilar ongida Vatanga muhabbat, mamlakat Qurolli Kuchlaridan faxrlanish, harbiylik kasbiga hurmat tuygʻularini kuchaytirish maqsadida harbiy xizmatchilar, urush qatnashchilari va Qurolli Kuchlar faxriylari ishtirokida **“Avlodlar uchrashuvi”**, **“Eʼzoz”**, **“Ehtirom”** nomli maʼnaviy-maʼrifiy tadbirlar oʻtkazish;

— mamlakatimiz mudofaa tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar mazmun-mohiyati, samaralari, harbiy xizmatchilar hayoti, ularga yaratilayotgan shart-sharoitlar haqida oʻquvchilarga tushuncha berish;

— oʻquvchi-yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularni harbiylik kasbiga yoʻnaltirish, Oʻzbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining tashkil etilishi va rivojlanish tarixi bilan tanishtirish maqsadida harbiy qism, oliy harbiy taʼlim muassasalari, serjantlar tayyorlash maktablariga ekskursiya uyushtirish;

— Toshkent shahridagi Qurolli Kuchlar davlat muzeyiga oʻquvchilar tashrifini tashkil etish;

— bolalar musiqa va sanʼat maktablarida **“Mardlar qoʻriqlaydi Vatanni”** shiori ostida harbiy-vatanparvarlik ruhida qoʻshilarg festivalini, **“Barkamol avlod”** bolalar markazlarida ijodiy ishlar tanlovini oʻtkazish;

— **“Vatan himoyachilari kuni”** munosabati bilan bolalar va oʻsmirlar sport maktabi (maktab-internet)lari, umumtaʼlim maktablari va Mehribonlik uyularida sportning harbiy-amaliy va texnik turlari boʻyicha sport musobaqalarini tashkil etish lozim.

Бундан роппа-роса 46 йил олдин, аниқроғи, 1971 йил 15 январь кuni Бувайда тумани Маслахат кишлоғида истиқомат қилувчи Юсуповлар хонадонида ўғил фарзанд дунёга келди — кўнгиллар қувончга тўлди. Ёши улуғлар она юртнинг шону шавкати оламга ёйсин, донгдор бўлсин учун унга Шухрат деб исм қўйди. Хаёт пиллапояларида ана шу эзгу ният Шухрат Юсуповга ишонч бағишлаб туради.

Бувайда туманидаги 4-умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезлари туман ва вилоятда ўтказилган кўллаб беллашув ва танловларда мактаби шаънини ҳимоя қилиб, ғалаба қозонгани худди кечагидек ёдида. Барча фанларни аъло баҳога ўзлаштириш баробарида, биология, она тили ва адабиёт, рус тили фанларидан олимпиадаларда қатнашиб, тенгқурлари қатори билимини чархладди.

Унинг тиришқоқ, ҳаракатчан, меҳнатсевар бўлиб улғайишида кишлоқ муҳити, меҳнат муҳим роль ўйнади. Болалик кезлари буш қолса, синфдошлари билан кишлоқ кутубхонасига бориб, мутолаага шўнгирди. Бу зиё маскани Кайковуснинг **“Қобуснома”**, Алишер Навоийнинг **“Хамса”**, Абдулла Қодирийнинг **“Ўткан кунлар”**, **“Меҳробдан чаён”**, Ҳудойберди Тўхтабоевнинг **“Сарик девани миниб”** каби асарлари орқали қадрдон бўлиб қолганди.

Бир кун келиб, ҳарбий либосини кийишга, Ватан ҳимоячиси бўлишига ҳам мана шу китоблар, уларнинг саҳифаларига го бўлган эзгу сўзлар, ҳикоялар, мисралар сабаб бўлгандир.

1991 йили хорижда ўқиб юрган кезлари юртимиз мустақил давлат дея эълон қилинганини эшитдию, худди ўзида қанот пайдо бўлгандек яйраб кетди. Олий ҳарбий таълим муассасасини **“Умумқўшин тактик қўмондонлик”** мутахассислиги бўйича тамомлаб, ота юртига қайтди. Мамлакатимиздаги ҳарбий қисмлардан бирيدا офицерлик лавозимидда фаолият юритиб, ўз билими ва маҳоратини миллий армиямиз ривожини сарфлай бошлади.

— Истиклолга эришган илк йилларимизда мамлакатимизда ҳарбий кадр-


Ҳам ҳарбий, ҳам ўқитувчи

лар етишмас эди, жуда қийин аҳволда қолгандик, — деди полковник Шухрат Юсупов. — Бироқ Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг оқиллиги, донолиги билан миллий армиямиз қисқа вақт ичида кўз ўнгимизда юксалиб борди, ҳарбий соҳада улкан ислохотларга қўл урилди. Мана, бугун ана шу сай-ҳаракатлар ўз мевасини бермоқда. Бугунги Қуролли Кучларимиз салоҳиятига ҳар жиҳатдан таҳсин айтса, ҳавас қилса арзийди. Бу улкан ютуқ юрт тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, кексаю ёш, аёлу эркакнинг шодон қиёфаси, бахтиёр кунлари, лўнда айтганда, мустақил Ўзбекистоннинг обод ва фаровон бўлишида мужассам.

Билим олишдан чарчамайдиган, қанча ўрганса, шунча яхши эканини англаган Шухрат Юсупов 2003 йили Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида ўқиди. Ҳозирги кунда у Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети бошлигининг шахсий таркиби билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимидда хизмат қилаяпти.

— Қуролли Кучлар, қўшинлар бошқарувида, жанговар ҳаракатларнинг муваффақиятли олиб борилишида ҳарбий алоқанинг алоҳида ўрни бор, — деди суҳбатдошимиз. — Бошқача айтганда, сифатли ва тезкор алоқа командирнинг кўзи ва қулоғи ҳисобланади. Улуғ саркарда бобомиз Амир Темур қўшинида ҳам айнан алоқага катта эътибор берилгани бежиз эмас. Узоқ масофадаги қўшинларни бирор хавфдан ҳабардор қилиш мақсадида тутун, отлик чопарлар, барабан, сурнай овозлари орқали ўзаро алоқа алмашилган, бу эса ўз ўрнида, ғалабага катта улуш бўлиб қўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига асос солинган илк кунларданок юқори малакали ҳарбий алоқачи кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда мутахассис бўлиш учун 5 йил (шундан 2



Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

йилини Тошкент ахборот технологиялари университетида умумий олий таълим йўналишидаги билимларни олиб, 2-курсни муваффақиятли тугаллаган талабалар тайёргарлик курсидан ўтганларидан сўнг) ичида Ҳарбий қасамд қабул қилиб, мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий билим юрти курсанти мақомига эга бўлади.

Шухрат Юсупов билан Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ҳарбий ислохотлар доирасида махсус факультет очилгани ва унда офицер кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилгани хусусида ҳам суҳбатлашдик.

— Бу айни пайтда мустақил ва стратегик фикрлайдиган, илғор алоқа ва ахборот технологиялари имкониятларини мукаммал ўзлаштирган ўғлонлар мактаби вазифасини ўтамоқда, — деди Шухрат Юсупов. — Кафедралар ўртасида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган **“Энг илғор ўқув кафедраси”** танлови улар орасида ўзаро соғлом ра-

қобатни вужудга келтириб, таълим жараёнининг янада такомиллашишига туртки бўлмоқда. Курсантлар бўлинмалари ўртасидаги **“Энг яхши курс”** танлови курсантларга фанларни ўзлаштириш, дала ўқув машқлари жараёнида жанговар вазифаларни бажариш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ўзаро дўстлик ва биродарлик муҳитини янада мустаҳкамлашда қўл келмоқда. Факультет битирувчиларига мос таълим йўналиши бўйича олий маълумот ҳақидаги диплом, **“лейтенант”** ҳарбий унвони ва ҳарбий мутахассисликлар номенклатурасига мос келувчи телекоммуникация, радиотехника йўналишлари бўйича мутахассислик берилди. Факультет мазкур мутахассислик бўйича малакали офицер кадрлар тайёрлашнинг марказига айланди.

Ҳақиқатан ҳам, махсус факультет курсантларининг мукаммал билим олиши учун барча имкониятлар муҳайё. Курсантлар учун ўқув жараёнида универ-

ситет қошидаги электрон кутубхонадан фойдаланиш имконияти, ўз билимини ошириб бориш мақсадида фотозлектрон ўқув отиш тренажери мавжуд. Интернет тармоғига уланган компьютерлар, замонавий рақамли радиореле станциялари билан жиҳозланган аудиториялар ва ўқув синфлари профессор-ўқитувчиларнинг ҳарбий махсус, тактик, тактик-махсус фанлар ва ҳарбий алоқа техника воситалари бўйича дарс машғулотлари олиб бориши учун айни муддао. Факультет ҳозир қўшинларда қўлланилаётган барча ҳарбий техника ва алоқа воситалари намуналари билан тўлиқ таъминланган. Курсантлар назарий билимларини амалиётда қўллашлари учун дала ўқув майдонлари барпо этилган.

— Бундан ташқари, махсус факультет жамоасининг мунтазам равишда ҳарбий-амалий спорт тури (ҳарбий кўпкураш, ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, спорт усулида мўлжалга олиш, тош кўтариш) ва олимпия спорт турлари (енгил атлетика, стол тенниси, волейбол, бокс, мини-футбол) бўйича мусобақаларда фаол иштирок этишига алоҳида эътибор қаратамиз, — деди Шухрат Юсупов. — Факультетимиз курсантлари маънавий-маърифий тадбирларда айниқса фаол. Курсантларимиз ўтган йилларда Мудофаа вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси томонидан буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллуд топган кунга бағишлаб ўтказилган виқоринада фахрли 1-ўринни эгаллаши бежиз эмас.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами муносабати билан полковник Шухрат Юсуповнинг фидойи хизматлари юксак қадрланди, Президентимиз фармонида биноан **«Содик хизматлари учун»** медали билан муқофотланди.

Айтганча, Шухрат Юсупов турмуш ўртоғи, Мудофаа вазирлиги марказий алоқа тармоғи хизматчиси Сумбулоӣ Юсупова билан икки қиз, бир ўғлини воёга етказмоқда. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ушбу намунали оилани мақсад-муддоси ҳам муштарак, тилаги бир: юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигига асло кўз тегмасин!

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Maʼrifat» муҳбири

Dars maqsadi:

Taʼlimiy: oʻquvchilarga milliy armiyamiz hamda uning nufuzi, harbiy bilim yurtlari, yoshlarga berilayotgan imtiyoz hamda sarhadlarimiz tinchligi va daxlsizligini avaylab-asrayotgan harbiylarga hurmat, mustaqil yurtimizda erishilayotgan yutuqlar haqida tushuncha berish.

Tarbiyaviy: oʻquvchilarda Vatanga muhabbat, hurmat, milliy qadriyatini ulugʻlash, vatanparvarlik tuygʻularini shakllantirish.

Rivojlantiruvchi: oʻquvchilarda yangilanayotgan jamiyat ishlarida faol qatnashish hissiyatini paydo qilish.

Jihozlar: oʻquvchilar yozgan insho, referat, shuningdek, Vatan himoyachilari kuniga bagʻishlangan devoriy gazetalar.

(Darsga urush va mehnat faxriylari, harbiylar, mustaqillik yillarida Vatan sarhadlarini himoya qilib, yurtimiz ozodligi va tinchligi yoʻlida qurbon boʻlganlarning yaqinlari, mahalla faollari, ota-onalar qoʻmitasi aʼzolari, «Kamolot» YH vakillari taklif etiladi).

Dars shiori: Dunyoda Vatan soʻzidan aziz va yurakka yaqin kalom topilmagani kabi, Vatan himoyachisi boʻlishdan ortiq shon-sharaf ham yoʻqdir.

Dars turi: noanʼanaviy.

Dars metodlari: guruhlarda ishlash, suhbat, bahs-munozara. Oʻquvchilar uch guruhga boʻlinadi.

Darsning borishi:

Oʻzbekiston Respublikasi Davlat madhiyasini birgalikda jonli ijro etish. **Faollashtiruvchi savol va topshiriqlar:**

1-guruhga: — Mamlakatimiz Qurolli Kuchlarini tuzish uchun qaysi hujjat huquqiy asos boʻlib xizmat qiladi?

2-guruhga: — Qurolli Kuchlarimizni shakllantirish jarayonida eng dolzarb masalalardan biri nima edi?

3-guruhga: — Mudofaa vazirligi tasarrufidagi oliy harbiy taʼlim muassasalarini sanang.

1-guruh: — 1991-yil 31-avgustda “Oʻzbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi asoslari toʻgʻrisida”gi qonun qabul qilindi. Bu muhim hujjat respublikamizga oʻz harbiy siyosatini amalga oshirish huquqini berdi. Mazkur qonun, “Oʻzbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi toʻgʻrisida”gi bayonot mamlakatimiz Qurolli Kuchlarini tuzish uchun huquqiy asos boʻlib xizmat qildi.

2-guruh: — Qurolli Kuchlarimizni shakllantirishda kadrlar masalasi dolzarb ahamiyatga ega. 1990-yilda mahalliy ofitserlar yurtimizdagi harbiy kadrlarning atigi 0,6 foizini tashkil etardi. Harbiy taʼlim sohasi tubdan isloh qilina boshlandi. Bir qator oliy harbiy taʼlim muassasalarini faoliyati yoʻlga qoʻyilib, ularda salohiyatli “Shu aziz Vatan meniki, uni koʻz qorachigʻimdek asrab-avaylayman, kerak boʻlsa, jonimni fido qilishga ham tayyorman”, degan ahdi qatʼiy, shijoatli, mard va jasur harbiy kadrlar tayyorlashga kirishildi.

3-guruh: — Oʻzbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligining oliy harbiy taʼlim muassasalarida Qurolli Kuchlarimiz uchun 30 ga yaqin yoʻnalish boʻyicha yuqori malakali ofitser kadrlar tayyorlanmoqda. Bu oʻquv maskanlari harbiy xizmatchilarga oʻz professional, nazariy

va amaliy bilimlarini takomillashtirish, harbiy-jangovar faoliyatida tajriba va malakalarini oshirish imkoniyatini bermoqda.

Oʻqituvchi: — Harbiy taʼlim muassasalari haqida qoʻshimcha qiladiganlarni bormi?

1-guruh: — Toshkent oliy umumqoʻshin qoʻmondonlik, Chirchiq oliy tank qoʻmondonlik-muhandislik, Samarqand oliy harbiy avtomobil qoʻmondonlik-muhandislik, Jizzax oliy harbiy aviatsiya bilim yurtlari, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti maxsus fakultetida malakali harbiy xizmatchilar tayyorlanmoqda. 1994-yilda Qurolli Kuchlar akademiyasi ochildi. Markaziy Osiyoda yagona boʻlgan ushbu dargoh zimmasiga malakali ofitserlarni tayyorlash va qayta tayyorlash, qolaversa, harbiy sohadagi ilmiy-amaliy tadqiqot hamda ishlarni muvofiqlashtirish, mamlakatimizda harbiy taʼlimni rivojlantirish vazifasi yuklatildi.

2-guruh: — 2012-yili Toshkent tibbiyot akademiyasi huzurida harbiy-tibbiyot fakulteti tashkil etildi. Yuqori intellektual salohiyatga ega, tibbiy xizmatning yuksak malakali ofitserlarini, rezerv va xizmatdagi ofitserlar tarkibini tayyorlash, Qurolli Kuchlar tibbiy xodimlarining harbiy va kasb tayyorgarligi darajasini muntazam oshirish hamda ularni qayta tayyorlash, maxsus bilim va koʻnikmalarini chuqurlashtirish, harbiy tibbiyot sohasida ilmiy tadqiqot olib borish ushbu fakultet zimmasiga yuklatildi.

Oʻqituvchi: — Aziz oʻquvchilar, yuqoridagi nomlari keltirilgan harbiy bilim yurtlari va oliy taʼlim muassasalarida taʼlim olish uchun siz aʼlo oʻqishingiz, namunal xulq, mustahkam iroda egasi boʻlishingiz talab qilinadi.

“Tinchlik uchun kurashish” deganda nimani tushunasiz? Buning uchun siz qanday ishlarni amalga oshirishingiz kerak?

Oʻqituvchi oʻquvchilarning fikrlarini umumlashtirib, Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning fikrlaridan iqtibos keltirib, darsga yakun yasaydi:

— *“Har qaysi millat va xalq uchun muqaddas sajdagoh boʻlmish ona-Vatanim qadrlash, uning erkinligi va ozodligini himoyalash, bu yoʻlga kerak boʻlsa jon fido qilish — shu yurtning jasur oʻgʻlonlari, oʻzini er yigit deb biladigan insonlar uchun qadim-qadimdan or-nomus va mardlik belgisi boʻlib kelgan”.*

— *“Har qaysi el, har qaysi yurt chetdan keladigan yovuz ofatdan koʻra, oʻz ichidan chiqadigan sotqin, imonsiz, oʻzining manfaatini himola narsadan ustun qoʻyadigan, kerak boʻlsa, eng yaqin kishilarini ham sotadigan, oʻzini oʻstirgan, voyaga yetkazgan Vatanga qoʻl koʻtaradigan qabih kimsalardan nihoyatda ehtiyot boʻlishi kerak”.*

Mardlik va jasorat haqida bahs-munozara uyushtirildi hamda eng buyuk jasorat — bu maʼnaviy jasorat ekanligi toʻgʻrisida tushuncha berildi.

Dars Vatan va tinchlik haqidagi sheʼriy satrlar bilan mustahkamlanadi.

Uyga vazifa: Vatan, tinchlik, mardlik va jasorat haqida sheʼr yodlash, mustaqil ijodiy ish bajarib kelish topshiriq qilib beriladi.

REPUBLIKA TAʼLIM MARKAZI

Химоячи

Ботир ҳарбий хизматга отланишдан уч-тўрт кун аввал узоқ ўйга чўмди. Оқшом чоғи кўкка кўз тикиб, олдинлари сира сезмаган ҳисларини кўнглидан ўтказди. Бир пайтлар отаси сўрида чой ҳўплай туриб айтган сўзларини эслади: “Анави юлдузани кўраёсанми, энг ёрқини, ана ўша Амир Темур бўлади... Ёнидаги, кўраёсанми, хо-о-ов ана — Жалолиддин, ана — Темур Малик, ана — Бобур...”. Шу дам эшик тақиллаб, Ботирнинг ўйлари тумандек тарқаб кетди.

— Болам, овқатинг совиб қолмасин, — Сарагул ая ўғлининг ейиш-ичишидан қайғуриб, мана, уч кундирки, жони ҳалак. Эри: “Болани талтайтириб юбo-расан, кейин бунингга ҳеч ким қизини бермайди”, деб ҳазил қилишига қарамай, тиним билмайди”, — Берса, шундай ўғилга беради-да қизини, — дейди мағрурланиб, болам эшитсин деб атай қаттиқ га-пириб.

Ботир аллатовур қулиб, тағин кўкка термилди. Ой юзиди синглиси Зубайдани кўрди. Негадир, ранги тунд. Онамга, менга хат ёзиб турасизми, дегандек озурда кўз қадарими. Кимдир гап отса, ўша кунда-гидек додини берасизми, дермиш гўё.

Ботир ўтган воқеани ўйларкан, гуламга узала ётиб олди. Ҳаёдан ўша кунга қайтди. Зубайда ўрим сочи оидимида тўлганиб, шошиб, анҳор ёқалаб келаяётди. — Йўлингдан қолма, — дейди ортаг ўғирилиб ким-дирга, қўл халтасида сут-қатикдан бўшаган бонка-лари шарақ-шуруқлаб.

Бирок ўша кимдир осмондан тушдими ё ердан қидимди, қиз ўнгига қоққан қозикдек туриб олди. “Йўлим — сенсан” деб иржайди. Ўрим сочиға қўл узатишдан ҳам тоймади.

— Торт панжанин, — деди орқадан биров дўрил-лаб. — Агар яна бир марта синглимнинг йўлида кўринсанг...

— Нима қиласан?!

— Қўлингчи синдираман!

— Шунчалик зўрмисан? — йўлтўсар гапни обдон майдалаб, уришишга пайт пойларди.

Ботир кўлларини мушт қилиб тугди. Яна бир нима деса, ўйлаб ўтирмай, қаншарига туширишга тайёр эди.

— Ака, қўйинг шуни, онамиз қутаяпти...

Йўлтўсар шалоқ гап қилди. Ботирнинг ғурури кўзиб, бора солиб ҳақ бўзгидан олди.

— Нима дединг, қайтар-чи!!!

Кўзлари ола-қула, қафтини сиқиб ялинишга туш-ди йўлтўсар.

— Қайтиб олдим, ака, қайтиб олдим...

Ботирнинг чангали бироз бўшашиди, ҳовуридан тушди. Сўнг:

— Менга бер, — деди Зубайданинг қўлидаги хал-тага ишора қилиб. — Бундан кейин сенсиз чикувчи бўлма!

Ака-сингил анҳор ёқалаб кетиб бораркан, йўлтўсар уларнинг изидан олазарак қараб қолди. — Овқатингиз совиб бўлди! — Ботир бу гал Зу-байданинг овозига сергак тортиди. — Нималар ҳақда бунчалик ўй сураётгандингиз, ака, қакирсақ ҳам эшитмасизсиз?

— ...Ватан ҳақида!

— Ватан ҳақида?!

— Нега ажабланасан, ўй суриб бўлмайдимки?

— Унда, Ватан нималгини англадим ҳам дерсиз?

— Ҳм, — деди у синглиси томон юраркан, эшикка етмай.

— Айтинг-чи?

— Ватан — бу Сен, билдинг! — Ботир шундай деб тутқичга қўл солиб, ташқари қиқаётганди:

— Йўлтўсарларга келган йўлини кўрсатиб кўя-кансиз-да! — деди Зубайда кўзлари чақнаб.

— Кўрсатиб қўйиш ҳам гапми, қўлини синдира-ман!

Акмал ЖУМАМУРОВОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда мактабда ўндан ортиқ мутахассислик бўйича кичик командир-лар тайёрланмоқда. Мактабда курсант-ларнинг жанговар тайёргарлиги, бўлин-маларни мохирона бошқариши, ҳар кан-дай мураккаб шароитда тезкор ва тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятини шакллантириш, интеллектуал салоҳияти-ни оширишга алоҳида эътибор қаратил-моқда.

— Мактабда бўлгуси кичик командир-ларнинг ўз мутахассислиги бўйича чуқур билим олиши, замонавий ҳарбий техни-



Армиямизнинг чинакам таянччи

"Ўқитувчининг маънавий қиёфаси мамлакат ва миллат тақдирини ҳал қилувчи аҳамият касб этишини яна бир қарра таъкидламоқчимиз. Ўқитувчи ўз фаолияти давомида турли дунёқарашли, баъзан бир-бирига зид феъл-атворли ёшлар билан ишлашига тўғри келади. Шундай ҳолатларда ундаги ташаббускорлик, қўллаб-қувватлаш, бола қалбини ўрганиш, янгиликка интилиш йигит-қизлар тақдирини билан боғлиқ ҳолатда ўз ижобий самарасини беради".

Тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Маврулов "Педагогнинг маънавий қиёфаси" ("Ma'rifat" газетаси 2016 йил 14 де-

кабр) мақоласида билдирган мазкур фикрлар айтиш глобаллашув жараёнида долзарб аҳамият касб этади. Ҳақиқатдан, педагогнинг маънавий қиёфаси бола таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўз касбининг моҳир устаси бўлсаю маънавий қиёфаси мўрт бўлса, у бола қалбига йўл топишга қийналади.

Мақолада билдирилган салмоқли фикрлар ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди, ўқитувчиларни мулоҳазага чорлайди. Жумладан, "Келажакка сармоя", "Аждодларни ташвишлантирган масала авлодлар учун ҳам долзарб", "Навоий ва Бобур ғазалларини билдимиз?", "Бефарқ, лоқайд педагогдан маънавиятчи чиқадими?", "Таълим-тарбиядаги маънавий жасорат", "Касбий салоҳият қай даражада?" каби кичик сарлавҳалар остида бе-

рилаётган улкан имконият, эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бериши керак-да, ахир. Биз педагоглар кенг қўламли ислохотлар амалга оширишда айни кезде фаол бўлишимиз, замон талабларига мос, жаҳон андозаларига тўғри келадиган кадрлар тайёрлашни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйишимиз керак. Зеро, юртимиздан қанчадан-қанча буюк даҳолар етишиб чиққан. Шундай экан, биз педагоглар ҳам ўз замонамизнинг маърифатпарварлари бўлиб, бор интеллектуал бойлигимизни мамлакатимиз келажиги бўлган ёшларга улаштишдан асло чарчамайлик.

Маъруфжон ҚАЙОМОВ,
Наманган муҳандислик-технология
институтининг маънавият ва маърифат
ишлари бўйича
проректори

Давримизнинг маърифатпарварлари бўлайлик

рилаётган улкан имконият, эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бериши керак-да, ахир. Биз педагоглар кенг қўламли ислохотлар амалга оширишда айни кезде фаол бўлишимиз, замон талабларига мос, жаҳон андозаларига тўғри келадиган кадрлар тайёрлашни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйишимиз керак. Зеро, юртимиздан қанчадан-қанча буюк даҳолар етишиб чиққан. Шундай экан, биз педагоглар ҳам ўз замонамизнинг маърифатпарварлари бўлиб, бор интеллектуал бойлигимизни мамлакатимиз келажиги бўлган ёшларга улаштишдан асло чарчамайлик.

Мақолада билдирилган салмоқли фикрлар ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди, ўқитувчиларни мулоҳазага чорлайди. Жумладан, "Келажакка сармоя", "Аждодларни ташвишлантирган масала авлодлар учун ҳам долзарб", "Навоий ва Бобур ғазалларини билдимиз?", "Бефарқ, лоқайд педагогдан маънавиятчи чиқадими?", "Таълим-тарбиядаги маънавий жасорат", "Касбий салоҳият қай даражада?" каби кичик сарлавҳалар остида бе-

Методологик манба

Шиддат билан ривожланиб бораётган давримизда турли йўللار орқали ёш авлод онгини захиралашга уринаётган ёвуз кучларнинг мавжудлиги ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини ривожлантиришни долзарб масалага айлантирди. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ёшларимизни ҳар томонлама билим, миллий истиқлол гоёларига содиқ қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

"Ma'rifat" газетасининг 2016 йил 14 декабрь сонидан эълон қилинган Абдухалил Мавруловнинг "Педагогнинг маънавий қиёфаси" мақоласини ўқиб, чуқур ўйга толдим. Фарзандларимиз тарбияси борасида педагоглар олдида турган муҳим масала — намуна кўрсатиш вазифаси батафсил очиб берилган мақолани нафақат таълим ходимлари, балки оила, маҳалла ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳам ўқиб чиқишлари, бу ерда кўтарилган жиҳатларни ўз ҳаёти ва фаолияти мазмунига айлантирмоғи лозим.

Муаллиф ўқитувчининг маънавий қиёфасини шакллантирадиган энг муҳим олти та мезонни алломалар тарихий асарларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиб берган. Таълим-тарбияда, аввало, педагог намуна кўрсатиши, дарс ва машғулотларда аждодлар ўғити, миллий қадриятларни кўпроқ тарғиб-ташвиқ қилиши керак. Ҳар бир ўқитувчининг ўз касбига профессионал жиҳатдан ёндашиши унинг маънавий қиёфасини белгилаши бор гап.

Мақолани институтимиз педагоглари қизиқиш билан ўқиб муҳокама қилишди, тегишли хулоса чиқаришди. Бу ўз навбатида ўқитувчилар фаолиятининг янада жонлиниши, педагогларнинг халқимиз ва давлатимиз олдидаги ўз масъулиятини янада тегингиз, энг муҳими, ўз касбининг моҳир устаси, фидойи жонқуяр бўлишига ижобий туртки бўлишига шубҳа йўқ.

Қ.КОДИРОВ,
Нукус давлат педагогика институтининг
маънавият ва маърифат ишлари бўйича
проректори

«Ma'rifat» йил бўйи хонадонимизда

Янги йил байрамини қанчалар интиқ кутмайлик, шу лаҳзаларда бир зум ўйга қўямиз: ўтаётган йилда олдимизга қўйган мақсадларимизнинг қай бирига улғурдигу, қай бирига фурсат етмади...

Ҳар сафар шу ҳақда мушоҳада юритганда вақт қанчалар тез ўтаётганини, ганимат лаҳзалардан унумли фойдаланиб қолиш лозимлигини ҳис этаман. Мана, 2016 йил ҳам тарихга айланмоқда. Мени қувонтирадигани, умримнинг бу саҳифаси бесамар кетмади. Умуман, педагоглик фаолиятимнинг ҳар бир куни ўқувчиларимнинг ҳарф таниб, ҳижжалаб ўқиб бошлаши, билим сарҳадларидан одимлаб, муваффақиятларга эришиши, болалик бекатидан ўсмирлик остонасига қадам қўйиши каби унутилмас дақиқаларга бой. 30 йиллик ўқитувчилик фаолиятим давомида қўллаб-ўғил-қизларга сабоқ бердим. Бошланғич синф ўқитувчиси болалар учун иккинчи онадек гўё. Ҳам она, ҳам устоз сифатида уларнинг ҳар бир ўрганган янги нарсасидан, муваффақиятларидан завқланиб яшайман. Шу касб эгаси бўлганим учун ҳаётдан миннатдор бўламан.

Мендек бир ўқитувчи учун йиллар бўйи кадрдонга айланган — оила, мактаб, ўқувчилар, китоб, дафтар кабилар орасида сеvimли газетамиз "Ma'rifat" ҳам бор. Ҳар йилнинг охирида биз, педагоглар суҳбатига "Ma'rifat"га обуна бўлдингизми?" деган савол тез-тез тилга олинади. Бу саволга мен ҳам "Ҳа!" деб жавоб бердим. Бу жавобда фахр ва ўзимдан қониқиш ҳисси ҳам бор. Чунки бу имкониятга мен газетанинг 2016 йил 19 ноябрь сонидан эълон қилинган "Фикрни аниқ ифода этиш мислаларини оsonлаштиради" номли мақоланинг таҳририят ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган "Энг 'Ma'rifat' парвар муштарий танловида" ғолиб деб топилиши тубайли эришдим. Энди янги йилда хонадонимизга "Ma'rifat" меҳмон бўлади.

Менинг бу танловдаги утуғим ҳамкасбларимни ҳам бефарқ қолдирмайди. Уларда газета мутлоасига, матбуот орқали ўз илғор тажрибаларини бошқа ҳамкасблари билан ўртоқлашишга рағбат уйғотди, десам адашмайман. Келгусида ҳам "Ma'rifat" газетасида чоп этилаётган энг илғор ва янгича дарс ўқиш услублари, самарали методлар, ўқитувчи-педагогларнинг таълим-тарбияга оид сара тақлиф ва тавсияларини фаолиятимга татбиқ этишга, касбий маҳоратимни янада оширишга интиламан.

Муқаддас ВАПАЕВА,
Мирзо Улугбек туманидаги 211-мактабнинг
бошланғич синф ўқитувчиси

Замонамиз нақадар тезкор. Дунёнинг исталган нуқтасидаги сўнги янгиликлардан сониялар ичида бохабар бўла оласиз. Дарсхонамиздаги компьютерлар ҳам интернетга уланган. Имкониятларимиз нҳиятда кенг. Аммо педагогик фаолиятимизда босма оммавий ахборот воситалари, айниқса, "Ma'rifat"нинг ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу нашрни зиёлилар йўлини ёритувчи ёндоқ қиёсасам, газета саҳифаларида чоп этилаётган муҳим услубий методик материаллардан дарсларида мунтазам фойдаланаётган ҳамкасбларим фикримга қўшилиди, албатта. Ҳар сафар мактабимизга почта келганда, "Ma'rifat" қўлма-қўл бўлиб кетади. Директоримизнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Гулнора Сўфизонова: "Ma'rifat"сиз бир қадам босолмайман, у менга барча кўрсатмаларни беради", дея газетани сеvim мутлоа қилишини таъкидлайди.

Мартабаю иззатни илмдан изланг!

Мисол учун, баъзан бўш ўзлаштирувчи ўқувчининг отанаси боласи мактабга келишни истамаяётгани, дарсларни яхши ўқимаётганида сизни айбдор қилди... Шунда тушунликка берилмай, "Ma'rifat"ни қўлингизга олинг — худди шу ота-онани фаоллаштириш, фарзанд тарбияси борасида шахсий масъулиятини оширишнинг ноанъанавий усулларини ўрганасиз. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Абдурауф Фитратнинг сўзларини келтирганидек: "Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб ҳорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ..."

Ёки бўлмаса, раҳбар ва мутахассислар дарсингизни таҳлил қилиб камчиликларингизни санадими? "Мендан яхши ўқитувчи чиқмас экан", деб қўл силтаманг. "Ma'rifat"ни варақланг. У дарсингизни намунали даражада кўтарувчи янги-янги метод,

усуллар, ўйинлар билан бойитди...

Хуқуқингиз бузилдими, сизни қайсидир муаммо қийнаётими? Саволларингизга газетанинг "Савол беринг, жавоб берамиз" рўқидан жавоб топасиз...

Демак, "Ma'rifat" республикамиздаги барча ўқитувчиларнинг минбари. Бу минбар сизга ўз фаолиятингиз ҳақида ҳамкасбларингиз билан мулоқатда бўлиш, бошқалар тажрибасини ўрганиш имконини беради.

Ўзимнинг мисолима айтадиган бўлсам, 2015-2016 ўқув йили мен учун гоят самарали бўлди. 2016 йил 23 июлда "Ma'rifat" газетасида "Қарс икки қўлдан чиқади" номли мақолам эълон қилинди. 2016 йил 13-14 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Бошланғич таълими модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самардорлигини ошириш" мавзусидаги республика форуми материаллари тўпламида "Бошланғич таълим ва ота-она ҳамкорлиги" мавзусидаги мақолам чоп этилди. "Хусниҳат тўғралакларини ташкил этиш" бўйича методик тавсиям вилоят ва республикада омма-лаштиришга тавсия этилиб "Йилнинг энг яхши ижодкор ўқитувчиси" номинацияси ғолиби бўлдим. "Ma'rifat" газетасининг "Фаслнинг энг яхши ижод-

кори" танловида "Самарали методик материал" номинацияси ғолиби бўлиб, фахрий ёрлик ва пул мукофоти билан тақдирландим.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Серобиддин Исмоилов сиз ижодкор ўқитувчилар билан учрашув уюштириб, фаолиятимизни рағбатлантирди. Бу қадар эътиборга тушишимда республика нашрларида эълон қилинган тақлиф ва тавсияларим сабаб бўлди, деб бемалол айта оламан. Бу мендек бир қишлоқ ўқитувчисига улкан рағбат ва масъулият юкледи. Шу кезларда машхур сатрлар бот-бот ёдимга тушаверди:

Шоирга дедилар: "Сиз бахтли инсон,

Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди".

Шоир жавоб берди: "Менда бир армон —

Муаллим десалар мени қанийди".

Ҳамкасблар эътиборига тушиш ўқитувчи учун бaxт. Бу сурурни менга "Ma'rifat" газетаси инъом этди. Чунки дарсларимни янги инновацион технологиялар асосида қизиқарли ташкил этиш, синф раҳбарлигим, синфимдаги ўқувчиларнинг ота-оналари билан мақсадларимиз муштараклигига эришиш, натижада педагогик жамоа, ота-оналар, қолаверса, раҳбарлар эътиборига тушишимда "Ma'rifat"дан ўқиб-ўрганганларим дастуриламал бўлди. Жорий "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да ҳам самарали методик материаллар ёзишга ва газета саҳифаларидан ўқиб-ўрганишга тайёрман.

Хулқарой ҚОСИМОВА,
Балхик туманидаги
2-мактабнинг бошланғич синф
ўқитувчиси

2017-yil 11-yanvar, № 3 (8964)

1925 йил. Лойгарчилик. Уч кун юзини кўрсатмаган қуёш оқиб нур сочади. Кўчалар ҳам жонланган. Қиш ичи димиккан кўнгиллар баҳорни қаршилагани кўчага отилгандек гўё...

— Қандай ашулани айтаётгандинг? — хаёллари билан кетаётган йўловчи бир кўлида мойбўёк, бошқасида туфли тозалагич тутиб, аллақандай ашулани хиргойи қилаётган болакай олдида тўхтади.

— Ўзим, шунчаки... — дабдурустдан берилган саволдан боланинг ёқимли табассуми зумда йўқолиб, доддираб қолди. Гуноҳкордек, ерга қаради. — Шунчаки... — эшитилар-эшитилмас мингирлади энди.

амакини Сулаймон бошқа кўрмади. Лекин синик табассумли, қотмадан келган, юрғанида қаддини тик тутгучи, бошида маргилонча дўппи, қошлари ингичка кишининг сувратигагина бир умр хотирасида қолди.

Музей, галерея, сувратлар кўргазмаси, классик асарлар саҳналаштирилаётган театрларга бориш бирам ёқимли. Шундай эмасми? Айниқса, ёнингда сени тушунадиган, сўзинг сўзинга мос ҳамроҳинг, суҳбатдошинг бўлса, пешонанг ярқирагани шу. Бундай масканларда асарларнинг нафасини, ўтмиш салобатини туссан. Уй-музейлари-чи? О, буниси тамоман

турибди. Деворга композитор онасининг портрети илинган. Нечоглик дилбар аёл бўлгани қуюқ, лекин қалта қошлари, бодом қовоқларидан маълум. Ўртада овал-симон стол, бурчакда каттагина радио, ёнида ўз замонининг машхур усталари ясаган телефон, девор ўртасида машхур санъаткорнинг салобатли портрети, атрофини турли йиллардаги фотосуратлар беэбаб турибди. Сулаймон Юдаковнинг оддий, камтар яшаб ўтганини уйдаги жиҳозлар ҳам тасдиқлаётгандек. Кейинги хонада композитор қўлёзмалари, китоблари, замондошлари ёзган хотиралар, бир талай газеталар жавон, столларга текис тахлаб қўйилди. Келган

— Нимасини айтасиз... Юдаковни халққа танитган асари шу бўлади, — қулиб қарайди Нигора опа. — Ҳожи Дарганинг ариясини эшитгансиз-а? "Васиқаси бор энди, Ойхон менга ёр энди", деб бошланадиган-чи? Мана шунини завқ билан ёзган дейишади. Табиатан юморга, кулгуга мойиллиги, кейин бола табиатлиги сабаб "Майсаранинг иши" ҳажвий операсини бутун борлиги билан яратган экан. Мана бу девордаги митти хайкалчаларни кўринг-а! Хорижга, ижодий сафарларга борса, шундай хайкалчаларни, болалар ўйинчоқларини сотиб олишни ҳуш кўраркан. Замондошлари ҳам "Юраги боланикидек бегубор

San'at va siyrat

хотираномаларида ҳам композиторнинг қувноқлиги, табиатан аския, юморни севиши бирдек тилга олинади. "Оҳанглариде киши билмас сеҳр бордек. Ҳам қувноқ, ҳам ғамгин..." дея ажабланади кўпчилик. "Кашмир афсонаси" операсидаги "Дугоналар бормисиз, омонмисиз" деб бошланувчи Наргиз ариясини ҳали-ҳануз мириқиб тинглаймиз, ҳатто хонада билан қўшилиши сўзларини такрорлайверамиз.

— Боя айтиш ёдимдан кўтарилибди, — деди Нигора опа ёнимга келиб. — Юринг, ўтириб бафуржа гаплашамиз. Яна ўша фортепианоли, сувратларга тўла хонага қайдик.

— Сулаймон Юдаков Туроб Тўла билан бирга конатата жанрида "Дунё маҳияси", "Дунё болалари" деган қўшиқ ёзишган. Бу қуйларни яратиб чоғи Сулаймон Юдаков: "Ер юзидаги миллион-миллион одамларнинг тақдирини, овози биз композиторларни ҳам бефарқ қолдиролмайди. Ҳар доим тинчлик тарафдоримиз. Ушбу қўшиғимиз тинчлик учун хизмат қилади", деган экан. Композитор тинчлик масаласига муҳим мавзу деб қараган. Вафотидан олдин берган интервьюсида: "Менинг ижодий принципим, ниятим битта: инсонлар қалбига эзгулик, яхшилик уруғини мусиқаларим орқали қадаш!" деб айтган экан.

— Юдаковдан "Майсаранинг иши" операси, "Насриддин ёшлиги"(афсуски, вафотидан кейин саҳналаштирилди), "Жонли алаंगा" балетлари, "Менинг Ватаним", "Алёр", "Муборакбод" конаталари, олти қисмли "Мирзаҷўл" вокал-симфоник сюита, вокал-симфоник поэмалар, қўшиқлар, романслар, камер чолғу асарлари, драматик спектакллар, кинофильмлардаги мусиқалар қолди. Мана, ҳануз "Дугоналар", "Жон Ўзбекистон", "Давра қўшиғи"ни байрамларда, турли давраларда айтиб келишаёпти. Қўшиқнинг, санъатнинг, ижоднинг умрбоқийлиги шудир балки...

Икки соат жуда тез ўтди. Одам ўтмиш билан юзлашган, мозий нафасини ҳис этган, у ерни тарқ этиши қийин экан. Композиторнинг оқ ҳарир парда билан тўзилган деразасидан ташқарини кўзатаман. Мана, ёмғир яна ёғишга шай — ҳавонинг авзойидан маълум. Қуёш аллақачон кулранг булутлар ортига беркинган. Музейдан қайтаману, ҳаёлимда бир фикр: "Демак, ижодкор болалигини сақлаб қолиши, яхшилик учун, фақат эзгулик учун асар ёзиши муҳим экан!". Сўнг Сулаймон Юдаковнинг қайсидир тантананда айтган гапини ўзимча такрорлайман: "Одамлар мен яратган мусиқани тинглагач, ёмон фелларидан қутулсалар, тинчлиқни қадрласалар, менинг муродим шу. Ҳаётдан завқланиб яшасалар, унга муғомбирлик билан қарамасинлар!".

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
"Ma'rifat" мухбири



Болатабият композитор



— Ашула айтишни яхши кўрасанми? — нотаниш амаки меҳрибонлик билан сўради. Болакай бўёқдан қорайган кафти, бармоқларига қараганча бошини қимирлатди. Сўнг "Яхши кўраман", деди энтиқиб.

— Ота-энанг қаерда? Нега чўтка, бўёқ кўтариб олибсан?

Боланинг юзи тундлашди. Қорачиқларидаги шуёла аллақайларга йўқолди. Боши яна ҳам пастроққа эгилди.

— Отам ўлган, аямга қийин. Ишламасам бўлмайди... — болакайнинг катталардек жиддий, вазмин гапириши амакига огир ботди. Болалиги жуда беравқт ўйрланиб, тирикчиликнинг қора қозонида қайнаётган "кекса" болаларнинг гуноҳи нима? Шунча кўргулик етмасмиди? Амаки чуқур тин олди.

— Ўқимакни истасанми? Иссиқ кийим-бош, егулик бериладиган жой бор, яна мусиқа билан шуғулланмакнечи?

— Билмасам. Аям нима деркин? — иккиланди болакай чўткаларини бемажол айлангирганча. — Лекин ўқимакни истайман. Мусиқа ҳам жону дилим...

Амакининг куйиб-пишиши ўлароқ пойабзал тозаловчи Сулаймон Кўқондаги болалар уйига жойлаштирилди. Она ҳам не қилсин? Боласи очнаҳор, хор-зор яшаганидан кўра, уст-боши бут, қорни тўқ бўлиб юргани маъқул. Ҳарна тирик қолади-ку!

Нотаниш амаки ўша пайтлари Кўқондаги маърифатпарвар кишилардан бўлиб, айниқса, болаларга меҳрибон эди. Қуёш аямай қиздириб турган чоғи, димоғида аллақандай ашулани хиргойи қилаётган паллада, қоп-қора мойбўёқдан кўллари дағаллашган болакайнинг тақдирини ўзгартирган, келажақда унинг артист, композитор, ҳеч бўлмаса, зиёли инсон бўлишини башорат қилган

бошқа олам! Фафур Фулом уй-музейига биринчи марта борганим хануз эсимда. Олти йил ўтибди-я! Шоир яшаган уйни кезиш, бир дам сукут сақлаб ўтириш, кўзинг толиқ-қунмича китоб, сувратларга қараш, қўлёзмаларни қайта-қайта кўравериш — ҳаммаси завқли, ўзининг шоир замондошидек сезасан ўша чоғи. Ҳар гал Бешёғоч томонларга йўлим тушса, ўша кунни эслайвераман. Уй-музейнинг девор-эшиклари кўз ўнгимда лопиллаб тураверди.

Ташқарида кўзининг этни жунжиктирувчи ҳавоси. Яёё Фуломов кўчасини излаб кетаяпман. Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси ўша ерда экан. Сўраб-сўраб, охири топдим. Ният уюшмага кириш эмас. Йўқ. Бинонинг орқасида жойлашган уй-музейга — композитор Сулаймон Юдаков уйига бормоқлик. Кечаги ёмғирда роса ивиган ҳазонларнинг шитирлашга ҳам мажол йўқ. Уюшманинг ортига ўтиб, бурчакдаги йўлакдан ююргига одимладим. Иккинчи қават. Музей ходимаси Нигора Умарова (қелишимни икки кун илгари белириб қўйганман) қулиб қаршилади. Мўъжазгина уч хонали уй. Қирганингизда етмишинчи, саксонинчи йилларнинг нафаси димоққа урилади.

— Қийналмадингизми? Панароқда бўлгани учун кўпчилик топишга қийналади бу ерни, — деди ичкарига киргач Нигора опа. — Аввал ўзингиз бамайлихотир кўринг, саволларингиз бўлса, йўл-йўлакай жавоб беравераман, дея композиторнинг қўлёзмалари, китоблари, сувратлари олдида ўзимни якка қолдирди.

Олдин ўнг томондаги чоққина, шифтлари баланд хонага ўтдим. Чап томонда фортепиано. Қанчадан қанча классик асарларни яратишга кўмаклашган чолғу бу! Худдики, ҳамроҳини қутаётган йўловчига ўхшайди: мунгайиб

одам қийналмай ўқиши учун айрим мақолалар алоҳида ажратилиб, остига изоҳлар ёзилган. Кўтидек хонада Сулаймон Юдаковнинг умр йиллари қат-қат тахлангандек туюлди менга. Эшик ёнидаги граммофон, китобларга тўла жавон, даҳлиздаги суратлар, ҳатто оқ дарпардалар ҳам — барчаси композиторнинг бир бўлаги, ажралмас қисмидек гўё.

Мана, устоз композитор Мутал Бурхоновнинг хотиралари: "Сулаймон билан ёшлигимиздан бери қадрдонмиз. Бу дўстлик умримиз охиригача дилхираликларсиз давом этди. Бизнинг тақдирларимиз ҳам ўхшаш. У ҳам 1916 йилда туғилган, ота-онадан етим қолган. Лекин унинг болалиги Кўқонда, болалар уйида ўтган. Композиторлик сирларини елкама-елка ўрганганмиз. Илк даъфа Москвадаги ишчилар факультетидан 1934 йилда танишганмиз. Кўнгли жуда нозик эди. Гарчи ҳазил-хузулга уста бўлса-да, зигирча ноҳақлик, эътиборсизликдан қайфияти бузиларди. Лекин кўнгли пок, боладак сертабассум, унча-мунча огир гапни юрагига яқин олавермасди. Унинг "Майсаранинг иши", "Куйлама, соҳибжамол..." опералари асрлар бўйи беравқт яшашига ишонаман. Негаки, уларга ҳақиқий композиторнинг тоза юраги, истеъдоди синган. Кўтаринки қайфият ва қуёш тафти, юмор ва байрамона ҳушқачқлик унинг суянқи..."

— Ўх-хў, "Майсаранинг иши" бормаган жой, қўйилмаган саҳна қолмагани, — дейман катта-катта афишалардан кўз узмай. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри, яна Польша, Москва, Душанбеда қўйилган операларнинг режиссёр-афишаларида Сулаймон Юдаковнинг исм-шарифи йирик-йирик харфларда ёзилибди.

эди", дейишади. Китобларининг аксари ҳам эртак китоблар. Қўлимдаги игна қутисини кўринг. Бунда ҳам эртак қахрамонлари... Қизиқ-а? Биринчи битирув ишини ҳам флейта, фортепианода яратиб, "Форс эртаги" деб номлаган экан.

— Болалиги азоб-уқубатли йилларда, муҳтожликда ўтганига қарамай қалбини асраб қолганлардан экан-да! — дейман хайратланиб. — Ахир, ижода энг муҳими бегубор болалиқни асраш, юракни тоза сақлаш эмасми? Мусиқаларининг машхурлигига сабаб балки шудир?

— Эҳтимол... — ўйланиб жавоб беради ходима опа.

Яна хотираномаларни ўқийман. "Сулаймон Юдаковнинг скрипка ва фортепиано учун "Шарқона поэма"си сеҳрлаб қўйгандай мени, — деб эслайди бастакор Ойдин Абдуллаева. — Юрган йўлимда ҳам шу асарнинг оҳангини хиргойи қилар, поэма ҳаёлимда айланаверарди. Орадан вақт ўтиб, С.Юдаков ижодидан бирини ижро этдим. Ушбу асар скрипка, виолончель ва фортепиано учун "Трио" эди. Унда виолончель партиясини мароқ билан ижро этганим хануз ёдимда. Дарсдан бўш вақтларимда бу асарнинг нота ёзувини қайта-қайта фортепианода чалиб, жозибасию, мукамаллигидан хайратланардим. Мусиқада шунчалик таъсирланмагани, ҳатто илк асарларимдан бирида С.Юдаковга тақлид ҳам қилибман. С.Юдаков ижод лабораторияси мен учун улкан мактаб бўлди. Мусиқа тушунарли, жозибador ёзилиши зарурлигини англаганим ўшанда".

Устози Рейнголд Глиэр, замондошлари Ҳалима Носирова, Саодат Кобулова, бастакорлар Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Аваз Мансуров ва бошқаларнинг

Куёш батареяларининг жиддий рақобатчиси сифатида эътироф этилаётган кўчма электр станциялари (движок) бугун кўплаб хонадонларда бор. Айниқса, электр симлари етиб бормаган чекка ҳудудларда движокнинг қадри билинади. Худди автомобиль двигателини эслатувчи мазкур қурилма бензин ёки дизель ёнилғисидан ишлайди. Унинг асосий компонентлари ички ёнув двигатели ва генератордир.

Кўчма электр станциялари

электр энергияси барқарорлигини кафолатлайди

Энг асосийси, кўчма электр станциясини машинага жойлаб, чўл бағрига, ўрмонга ёки кемада океanning ўртасига олиб бориб, ишлатоласиз. Аниқроғи, мутахассислар уларни ўзи билан исталган ҳудудга олиб кетиши мумкин. Ахир бугунги замонавий дунёда ҳаёт тарзимизга сингиб улгурган аксарият аппарат ва ускуналар электр токи билан ишлайди. Аммо айрим ҳудудларда электр энергиянинг мавжуд эмаслиги, режангиздаги барча ишларни йўққа чиқаради. Масалан, ўрмонларда нефть қазиб чиқарувчи кишилар, тоғ чегарасида хизмат қилувчи чегарачиларга электр токи етказиб бериш ҳақиқатан мушкул масала. Иш фаолияти асосан электр билан боғлиқ бўлган корхона ёки ташкилот ҳудудида бир зум электр токининг узилиши ҳам иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай вазиятларда бизга электр токи ишлаб чиқаришга мўлжалланган генератор ёки уларнинг комплексидан ташкил топган кўчма электр станциялари самарали ёрдам беради. У механик энергияни электр энергиясига ва электр энергиясини механик энергияга ҳамда электр энергиясини бошқача кучланиш, ток кучи, частотага эга бўлган, бошқа параметрли электр энергиясига айлантирувчи қурилма. Иши электромагнит индукция ҳодисасига ҳамда электр тоқлари, магнит майдонларининг ўзаро таъсирлашуви билан белгиланган қонунларга асосланади.

Механик энергияни электр энергиясига айлантиришда электр машина генератори, электр энергиясини механик энергияга айлантиришда эса электр двигател қўлланади. Бу машиналар ҳам генератор, ҳам двигател режимида ишлаши мумкин (яна асинхрон электр машина, коллекторли машиналар ҳам бор).

Ток турини, частотани, фазалар сонини, кучланишни ўзгартириш учун электр машина ўзгартиргичларидан, электр машина кучайтиргичларидан, электр трансформатори ва бошқалардан фойдаланилади. Махсус қурилмалар, мас, магнето, пайвандлаш генератори, тахометр, тортувчи электр двигателлари ҳам электр машина жумласига киритиш мумкин. Электр машиналар рўзгор юмушларида, халқ ҳўжалигининг деярли барча

тармоқларида, саноат ва транспортда кенг ишлатилади.

Динамо-машинадан электр генераторгача...

Лотин тилидан таржима қилганда «ишлаб чиқарувчи» маъносини англатувчи генератор ёкилаётган ёнилғи орқали электр токи ҳосил қиладиган ускунадир. Аниқроғи, у ташқи энергия манбаи ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқарувчи ёки энергияни бир турдан иккинчи турга ўзгартирувчи қурилма; аппарат ёки машина. Ҳусусан, электр генераторлари ўзгармас ток, ўзгарувчан ток генераторларига бўлинади. Генератор тушунчаси ўзгарувчан ва ўзгармас ток электр машиналарига ҳам, электр тебранишларини ҳосил қилувчи асбобларга ҳам бир хил қўлланилади. Биринчи ҳолда, механик энергия электр энергиясига айлантирилса, иккинчи ҳолда манбанинг электр энергияси маълум частотали, керакли шакл ва қувватли тебранишлар энергиясига айлантирилади.

Генераторлар асосан турли кўрсаткичлар асосида яратилади. Уларнинг электр машина, лампа, транзистор; микросхемали, ёйли, импульсли, гидротурбина, буғ турбина, ҳар хил частотали, молекуляр ва бошқа хиллари мавжуд бўлиб, радиоуза-тиш, радиоқабул қилиш ва телевизион қурилмаларда, ўлчов техникасида, турли технологик жараёнларда, фан ва техниканинг турли соҳаларида қўлланилади.

Динамо-машина генераторнинг илк кўриниши бўлиб, 1827 йили венгриялик олим Аньош Иштван Йедлик томонидан ишлаб чиқилган. 1831 йилга келиб, Диск Фарадей электр магнитли генератор ишлаш тизимини кашф этди. Аммо ҳажмининг катталиги ва ишлатишдаги мураккабликлар сабаб қурилма етарлича муваффақият қозонмади. Маълум вақт ўтиб, унинг ўрнини юқори кучланишда ишлайдиган электр генератор эгаллади.

Электр токида ишловчи илк генераторга 1832 йили парижлик техниклар — ака-ука Пиксинлар асос солди. Генератордан фойдаланиш унчалик осон кечмади. Электр токи ҳосил қилиш учун ихтирочилардан оғир ҳажмли доимий магнитни икки томонга тинимсиз айлантириш талаб этиларди.

Генератор токи тўғривол-чи ускуна билан таъминланган бўлишига қарамай, машина қувватини кучайтириш учун ака-ука Пиксинлар магнит ва галтаклар сонини ошириб туришга мажбур бўлган. 1843 йилга келиб, Эмиль Штерер шундай генераторлардан яна бирини ихтиро қилди. Машина ўз

луксиз ишловчи қурилма яратишнинг имкони йўқлиги тасдиқланган. Шунга қарамай, олимлар узоқ йиллар давомида абадий двигатели ясаш учун тиришаётгани қизиқарли ҳолат. Бу оддий одамлар учун ҳам қизиқарли. Агар абадий энергия двигатели ихтиро қилинса, инсоният мутлақо текин, бе-

шундай қилиб, электромагнит генератор яратишнинг биринчи босқичида (1851 йилгача) магнит майдон ҳосил қилиш учун доимий магнит қўлланилган бўлса, иккинчи босқичга келиб (1851–1867 йилларда), унинг ўрнини электромагнит эгаллади. Шунга қарамай, унинг ўрамалари доимий магнитнинг мустақил тоқларидан қувватланган.

Двигатель нима?

Хабарингиз бор, олимлар турли механизм ва машиналарни ҳаракатга келтириш учун дастлаб буғ двигателларини ўйлаб топган. Манбаларда илк буғ двигатели 1777 йили ихтиро қилинган ёзилди. Бу двигателнинг поршенида сув қайнайди ва ундан чиққан буғ кенгайиб кучли босим ҳосил қилиб, поршенни итаради. Чунки буғнинг ҳажми ўзи ҳосил бўлган сувнинг ҳажмидан 1700 марта ортқ бўлади.

1784 йили Жейм Уатт тўқувчилик соҳасида ип йиғириш машиналарини ҳаракатлантирувчи дастлабки моторни яратди. Бу мотор ҳам буғ ёрдамида ишларди. Ўша пайтда буғ двигателлари иссиқлик энергиясини механик энергияга айлантириб берган.

Буғ двигателлари такомиллашиб бориб, улар ёрдамида паровозлар, поездлар катнови йўлга қўйилди, илк темирйўллар яратилишига сабаб бўлди. Биринчи бўлиб паровоз ихтиро қилган муҳандис Жорж Стефеннинг поездди 8 вагондан иборат бўлиб, 1 соатда 10 км масофани босиб ўтган.

Кейинчалик ёнилғида юрадиган двигателлар пайдо бўлди ва бу автомобил-созлик, авиасозлик ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Йигирма биринчи асрга келиб эса электр двигателлари, яъни куёш батареялари ёрдамида ишлайдиган моторлар яратилди. Ҳозирча бу топиламми автотомобиллар учун кенг миқёсда қўллашга ҳеч бир компания журъат этолмапти.

Дунё олимларини эса кўпроқ абадий двигател яратиш гояси ўйлантириб келади. Яъни ҳеч қандай энергия сарфламай туриб, узлуксиз ишлай оладиган қурилма яратиш орзуси. Аммо аниқлики хушловчи илм-фанда абадий ёки уз-

луксиз ишловчи қурилма яратишнинг имкони йўқлиги тасдиқланган. Шунга қарамай, олимлар узоқ йиллар давомида абадий двигатели ясаш учун тиришаётгани қизиқарли ҳолат. Бу оддий одамлар учун ҳам қизиқарли. Агар абадий энергия двигатели ихтиро қилинса, инсоният мутлақо текин, бе-



пул энергия манбасига эга бўларди. Аммо термодинамикада энергиянинг сақланиш қонуни бор. Унда энергияни яратиш ҳам, йўқотиш ҳам бўлмаслиги, балки у бир турдан бошқасига ўтиши ҳақида ёзилган. Демак, йўқ ҳолдан энергия пайдо бўлмайди, механизмни доимий ҳаракатда тутиб туриш учун эса унга қўйилган энергия ҳеч бир исрофларсиз шу механизмнинг ўзида қолиши зарур бўлади. Бу имконсиз ишдир.

Кўчма электр станциялари

Фанда катта куч талаб этмасдан электр энергияси ишлаб чиқарувчи ускуналар генератор деб аталади. Катта куч талаб этиладиган генератор ёки уларнинг комплекси эса электростанциялар, деб юритилади. Уларни, шунингдек, кам қувватли маиший электростанциялар, дейиш ҳам мумкин.

Бундай электр станцияларнинг асосий вазифаси электр токи мавжуд бўлмаган катта ҳудудларни электр билан таъминлашдан иборат. Улар кичик электростанция сифатида ҳам хизмат қилиши, яъни йил давомида хонадонга факатгина электр токи етказиб бериши ҳам мумкин. Бу кўчма қурилмалар ихчам бўлишига қарамай, катта кучланишга эга бўлади. Бензин ёки дизель ёнилғисидан ишлайдиган универсал кўчма электростанциялар 200 дан 400 Втгача бўлган кучланишда ишлайди. Улар ишлатишга қулай, чидамли ва ортқича сервис хизмати талаб этилмаслиги билан ҳам қимматли. Бундан ташқари, кўчма электр станциялар ишлаб чиқариладиган энергиянинг арзонлиги, паст шовқин билан ишлаши, унинг ёрдамида уйни иситиш имконияти мавжудлиги, энг паст (-50°C.гача) ва энг юқори ҳарорат(+45C.гача)да

ҳам бир текис ишлаши каби қатор афзалликларга эга.

Кўчма электростанциялар, одатда, яқин атрофда ТЭС, ГЭС ёки АЭС ва ҳатто электрўзатгич линиялари бўлмаган жойларга ҳам ўрнатилади. Уларни қуйидаги во-сита ва ускуллар ёрдамида қўчириш мумкин:

- трактор ёки автомобиль тиркамасига жойлаштириб;
- автомобиль ёки юк автотомобилларига ўрнатиб (кўчиш тезлиги соатига 90 км.дан ошмаслиги керак);
- трактор шассисига

ўрнатиб (тезлик соатига 35 км.дан ошмаслиги зарур);

- чана-судрама араваси ёки чана-чангига ўрнатиб.

Бундай ҳаракатчан электростанциялар тузилиши билан ҳам бир-биридан фарқланади. Бу унинг ишлатилиши ва ташқи таъсирлардан ҳимоясига боғлиқ. Демак, тузилишига кўра, асосий турлари:

- УНГК(унификацияланган нормал габаритдаги кузов)га жойлашган станциялар. Бу станция кўпинча, тиркама, чана ва судрама аравасига ўрнатилади. УНГК — бу электростанцияни ташувчи оддийгина кузов-фургон;
- контейнерли — контейнерларга ўрнатишган кўчма электростанциялар кўплаб хусусиятларга эга бўлиб, улар бор-йўғи 3 соатда тайёр ҳолга келади. Шунчаки тўғри йиғилса бўлгани. Ҳар қандай ҳавода ишлайди, ташвиш жуда осон, энг муҳими, экологияга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди;

- энергомодуль-станциялар — уларни тасаввур қилиш учун кетма-кет ёки тўғридан-тўғри уланган контейнерларни кўз олдимизга келтиришимиз лозим. Боиси, улар ўзаро худди шу тарзда уланади. Ай-тиш жоизки, модуль қанча кўп бўлса, электростанция кучланиши ҳам шунча юқори бўлади.

Замонавий технологиялар электрон тарзда бошқариладиган кўчма электр станцияларининг яратилишига асос бўлди. Эндilikда, уларни ишга тушириш учун кўп вақт ва катта меҳнат талаб этилмайди. Барчаси осон ва қисқа вақт ичида бажарилади. Бу, ўз навбатида, ускуна имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга шaroит яратди. Бир сўз билан айтганда, кўчма электр станцияларнинг хизмати туфайли у ўрнатилган ҳудудларда ҳамisha электр токи мавжуд бўлади.

И.ТОШМАТОВА ва
Н.ЭРМАТОВА тайёрлади.

2017-yil 11-yanvar, № 3 (8964)


ЯНГИ ҚУРИЛМА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

"Nokia" savdo belgisiga egalik qiluvchi "HMD Global" kompaniyasi "Android 7.0" qurilmagini taqdim etdi. Smartfonlarni iyni bilan esa "FII Mobile Limited" (Foxconn korporatsiyasi) shugllanadi, deb xabar berdi kompaniya rasmiy sayti.

Чети қавариқ шаклда ишланган 5,5 дюмли дисплей "Full

HD" тасвири узатиш имконига эга. "Nokia 6" саккиз ядроли "Qualcomm Snapdragon 430" процессор ва 4 гигабайт оператив хотирага эга. Шунингдек, қурилмага иккита "SIM-карта"ни жойлаштириш мумкин.

Унда бармоқ изи ёрдамида кодлаш ва "Dolby Atmos" номли овоз кучайтирувчи технология орқали ишловчи стерео-динамика имкониятларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Асосий камера тасвири 16 мегапиксел, сельфига



мўлжалланган камера эса 8 мегапиксел ҳажмда суратга олиб, андроид хотирасига жойлайди.

Фойдаланувчиларга маъқул бўладиган энг ёрқин жиҳати шуки, у уч минг миллиампер-соатга тенг аккумулятор билан таъминланади. Бу сизим билан 18 соат суҳбатлашиш, 22 соат мусиқа тинглаш ёки телефонни 32 кун қувватлантирмай юриш мумкин.


Мазкур мобиль алоқа воситаси 2017 йилнинг иккинчи ярмидан Хитой дўконларида сотувга чиқарилиши режалаштирилмоқда.



ВОДОРОДЛИ ЁНИЛФИДА УЧАДИГАН САМОЛЁТ

Хитой водороддан тайёрланган ёнилғи билан парвозни амалга оширувчи самолёт ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган дунёдаги учинчи мамлакатга айланди.

"ST Daily" нашрида келтирилишича, АҚШ ва Германия мазкур лойиҳа бўйича иш олиб борган дастлабки давлатлар ҳисобланади. Янги модель 20 киловатт қувват ишлаб чиқарувчи ёнилғи элементлари



га асосланган. У 320 метр баландликда синовдан ўтказилган бўлиб, олимлар мазкур учоқ Цельсий шкаласи бўйича 20 даража совуқ ҳароратда ҳам бемалол парвоз қилади, дея таъкидламоқда.

Дастлабки синов рейси Ляонин провинциясининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Шэньян шаҳрида

амалга оширилди.

Самолёт электр двигателъ ўрнатилган "RX1E" қурилмаси асосида Ляонин авиация илмий-тадқиқот институти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида яратилди.

ЕРГА ИККИ САМОВИЙ ЖИСМ ЯҚИНЛАШМОҚДА

"NEOWISE" номли лойиҳа устида иш олиб бораётган астрономлар жамоаси Ерга яқинлашиб келаётган икки самовий жисм ҳақида хабар бергани тўғрисида "НАСА" агентлиги маълум қилди.

Манбада келтирилишича, биринчи жисм "C/2016 U1 NEOWISE" кометаси бўлиб, у Меркурий сайёрасининг ички қисмида жойлашган Куёш нуқтасига яқинлашиб келмоқда. Ушбу ҳолат аслида 2016 йилнинг 21 октябрь куни қайд этилганди.

Иккинчи жисм эса астероид ёки кометалиги маълум бўлмаган "2016 WF9" бўлиб, Ер сайёрасига февраль ойи охирида яқинлашиши мумкин. Унинг диаметри 1 километрга тенг, дея тахмин қилинмоқда. Мазкур объект ўтган йилнинг 27 ноябрь санасида рўйхатга олинганди.

Таъкидлаш жоизки, «NEOWISE» (NEO Wide-Field Infrared Survey Explorer) лойиҳаси доирасида аниқланган иккала самовий жисм ҳам сайёраимизга ҳавф солмайди. Шундай бўлишига қарамай, тадқиқотчилар уларнинг тезлиги ва Ер билан оралиқ масофасини мунтазам равишда кузатиб турибди.



ОЙ ВА ЕРНИНГ НООДАТИЙ ТАСВИРИ

НАСА тадқиқот маркази Марс сайёраси атрофида айланиб юрган сунъий қурилма ёрдамида Ой ва Ер акс этган ноодатий тасвири суратга олишга муваффақ бўлди. У ҳақида батафсил маълумотни агентлиқнинг расмий сайтидан олиш имкони мавжудлиги ҳақида "Lenta" манбаси маълум қилди.

Тасвирда Австралия қитъаси ҳамда уни ўраб турган океанлар ҳам яққол кўринган. Дастлабки олинган тасвирлардан фарқли равишда Ой хира бўлиб, сунъий равишда ёрқинроқ кўринишга келтирилган. Турли ўлчамдаги осмон жисмлари орасидаги масштаблар эса сақланиб қолган.

"MRO" (Mars Reconnaissance Orbiter) сунъий йўлдошига тегишли "HiRISE" (High Resolution Imaging Science Experiment) номли илмий тадқиқот қурилмаси ёрдамида 2016 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган ушбу тасвирларга ишлов бериш жараёнида Марс ва Ер ўртасидаги масофа 205 миллион километрга тенглиги маълум бўлди. Қолаверса, сунъий йўлдош коинот жисмларини тасвирга олиш вақтида Ой ва Марснинг ўртасида жойлашган Ерга жуда яқин келганини пайқаш қийин эмас.

Эслатиб ўтаимиз, ҳозирги вақтда Марсда «Mars Odyssey», "MRO", "MAVEN", "Mars Express", "Trace Gas Orbiter", "Mangalyaan" номли — жами 6 та станция ишламоқда. Улар астрономларнинг сайёралараро илмий тадқиқот олиб боришида жуда муҳим аҳамиятга эга.



ДУНЁ ВАҚТИГА 1 СОНИЯ ҚЎШИЛДИ

"Quartz" манбасида келтирилишича, Дунёнинг ўзаро мувофиқлаштирилган вақти(UTC)га 2016 йилнинг 31 декабрь куни 1 сония қўшилгани аниқланди.



Гринвич бўйича шу куни соат 23:59:59 дан кейин 2017 йилнинг 1 январь кунига тегишли 00:00:00 эмас, балки 23:59:60 рақамлари ёзилди. Париж шаҳрида жойлашган Халқаро Ер айланиш хизмати (International Earth Rotation and Reference Systems Service, IERS) ушбу қарорни маъқуллаган. 1 сония UTC вақти UT1 (ўртача куёш вақти)дан 0,9 сония фарқ қилиб қолмаслиги учун қўшилган.

Худди шунга ўхшаш вазият бундан 44 йил олдин, яъни 1972 йил аввалида ҳам содир бўлганди. Шунингдек, бундай ҳолатлар кўпинча кабиса йиллари(февраль ойи 29 кун давом этганда)да июнь ва декабрь ойларида кузатилади.

Бунга қадар жами 26 бора вақтга қўшимча қилинган бўлиб, охириги марта координацияланган секунд 2015 йилнинг 30 июнь куни саналганди. Манбада айтилишича, агар келажақда Ер тобора секин айланиб, UTC ва UT1 вақтлари орасидаги тафовут ортиб борса, сониялар ҳам кўпайиб, ўсиб бораверади.

ДАҲОЛИК ВА ДНК ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ БОҒЛИҚЛИК БОР?

"MailOnline" манбасида чоп этилган мақолада наслий касалликларни даволаш мақсадида ДНКга "ишлов бериш" беморларнинг ақлий фаолиятига таъсир ўтказиши мумкинлиги тўғрисида ёзилди.

Буюк Британиянинг Кембриж университети биолог Жеймс Козубекнинг айтишича, ДНК таҳлили устида иш олиб бораётган генетик олимлар "CRISPR" каби технологиялардан фойдаланишда жуда эҳтиёткор бўлиш лозим. Боиси, ушбу жараёнда рухий касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлувчи генларга таъсир ўтказиш оқибатида салбий ўзгаришлар ҳам юзага чиқиши эҳтимоли йўқ эмас.

Бироқ айрим генларга "ишлов бериш" орқали инглиз шоири У.Шекспир ёки бугунги даврнинг йирик олимларидан бири Стивен Хокинг каби даҳолар дунёга келадиган вазиятлар ҳам учраб туради.

Олимнинг фикрича, депрессия ва шизофрения каби инсондаги психологик ўзгаришлар замирида юксак ижодий қobiliят ва ақл-идрок мавжуд бўлиши мумкин. Буни ижодий соҳа вакиллари, хусусан, ёзувчилар 10, шоирлар эса 40 баробар кўпроқ шизофрениядан азият чекишидан ҳам билса бўлади.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.



Республика илмий педагогика кутубхонаси жамоаси кутубхона директори Доно Ганиевага онаси

Раъно АКРАМОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради

Gurung

Азиз: НЕСИН

Хайвонлар ҳақида ҳикоялар

ЖЎРОВОЗ
БЎЛИБ...

Ўша пайтлари Истанбулда ҳовли-жойимиз бўлгучи эди. Беш тановча еримиз ҳам бор. Уйдаги мушук билан кучукча бирга катта бўлганликлари учун жудаям иноқ эди. Томорқага сабзавот экиб, бир чеккасида товук боқардик. Яна бир эшагимиз бўлиб, мен уни Чалабий деб чақирардим. Жонивор ниҳоятда ювош эди. Кучукча билан мушук иккови Чалабийнинг устига чиққолиб, ўша ерда тонг оттирган пайтлари кўп бўлган. Баъзан кучукчанинг Чалабий билан ўйнашгиси келиб қолар, шунда у югуриб бориб, нақ ғажиб ташламоқчи бўлгандай акиллаб бошларди. Чалабийнинг эса парвои паллак эди.

Товуклар курк бўлиб, жўжа очадиган пайт келди дегунча осмонда калхатлар изғиб

қоларди. Мабодо бирорта калхат жўжага чанг солмоқчи бўлиб ерга шўнгиса борми, она товук дарҳол қанотларини кериб, патларини хурпайтириб олар, болаларини хатардан огоҳ қилмоқлик учун қақиллаган овоз чиқарарди. Буни эшитиб, жўжалар пана жойларга қочиб қолишарди. Мушук билан кучукча қаерда бўлмасин, товукнинг ноласини эшитишлари биланоқ дарҳол ёрдамга етиб келишарди. Жўжаларга озор бериш у ёқда турсин, икковиям уларни оналари билан бир сафда туриб, калхатлардан ҳимоя қилишарди. Бир томондан она товук қақиллаганича ер бағирлаб учиб юрган калхатга қараб сапчиса, иккинчи томондан мушукча миёвлаб, кучукча қаттиқ вовулларди. Хуллас, товук, мушук ва ит бара-варига жўр бўлиб, калхат ҳужумини даф қилишарди. Шерикларининг овозини эшитган Чалабий бояқшис бирор хатар

борлигини сезарди-ю, аммо бир оёғи занжир билан қозикқа боғлаб қўйилганлиги учун ёрдамга етиб келолмасди.

Бир куни яна ҳовлини товукнинг қақиллаши-ю мушукнинг миёвлаб, итнинг вовуллаши тутиб кетди. Чалабий ҳам турган жойида ханграб юборди. Бир пайт қарасам, Чалабий оёғидаги занжирни шилдириб шу томонга қараб иргинлаб келаяпти. Занжирнинг бир учида темир қозик, Билдимки, қозикни бир амаллаб суғуриб қотган.

Чалабий шерикларининг ёнига етиб келгач, иккала қулоғини динг қилиб, калласини осмонга қўтарди-да, тепада айланиб юрган калхатга қараб шундай бир бўкириб юбордики, асти қўяверинг. Эшагимиз бунақа ханграганини шу вақтгача ҳечам эшитмаган эдим.

(Азиз Несиннинг «Ғаройиб болалар» китобидан.)

Кексалар ўғити

Хали ҳарф танимаган кезларим. Бувим менга китоб ўқиб берар, афсонаю ривоятлари билан зериктирмас эди. Саводим чиқиб, ҳарф таний бошлаганимда, бувим қўлимга китоб тутқазиб диққат билан тингларди. Мабодо тўхтаб қолсам, “Кейин нима бўлибди”, дея юзланарди. Шунданми, кўнглимда китобга нисбатан меҳр баланд. Ҳозир улғайдим, қўлимга бирор китоб олсам, болалик дамларим ёдга тушади.

Qissadan hissa

Боламан, бобом ҳасса тутади. Мен дўстларим билан унга тақлидан ясама ҳассамни дўқиллатаман. Бобом мени койиган, ҳассамни тортиб олиб қўйгани ким билсин, неча маротаба. Ўшанда бобомдек ҳассада юришни жуда истаганман. Бобом “Хали бунинг вақти келади”, дея бошини сарак-сарак қиларди.

Орадан йиллар ўтди, бобом орамизда йўқ. Менинг қўлларимга ҳам асо тушди...

Улугбек КАРИМОВ

Қизилтепа тумани

Йўл четидан бораётиб, таниш ўрик дарахтидан қолган катта кундага қўзим тушди. Аста унга чўкдим. Одамлар ўтиравериб силлиқлашиб кетган юзасини силаб, у билан боғлиқ ўтмиш воқеалари эсимга тушиб энтикдим. У шундоққина деразам рўпарасида ўсган бўлиб, баҳор келиши билан оппоқ либосга бурканарди. Тағида гоҳида болалар, баъзан катталар

ган меваларни бир-бирларига қўз-қўлаб ейишарди. Ҳар замон юзларига доғ тушган келинлар ҳам пайдо бўлиб қолар, болалардан илтимос қилиб олган гўраларини ҳузур қилиб чайнашарди.

Кунлар ўтгани сари кечагина кўм-кўк бўлиб, одамларни тамшантирган нордон мевалари чинакам қандга айланарди. Энди, мункиллаб қолган ота-

лар дилига қувонч улаша бошларди.

Бир куни қайсидир нокас танасини ўтин учун кесиб кетди. У ўша олов ичида ҳам ўз бурчини бажарди.

Мен яна қадрдон дарахт илдининг одамлар ўтиравериб силлиқлашиб кетган юзасини силадим. Чунки у умрини фақат фидойилик билан ўтказгани етмагандек ҳозир ҳам одам-

Мевали дарахт
(Кечинма)

ҳам дам оларди. Ширин қизалоқлар, шўх болачаларнинг қўлидан тутиб, сал нарида жойлашган боғчага етаклаб кетаётганлар дарахт шохини силкитишар, тўкилаётган оппоқ ўрик гуллари остида сакраб яйраётган фарзандларининг қувончига шерик бўлишарди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, унинг шохларида пайдо бўлган майда, оғизга хуш ёқувчи гўраларини териш учун болаларга навбат тегарди. Улар эрта тонгдан то кечгача чуғурлашиб дарахтга тош отишар, ерга туш-

хону, онахонлар унинг меваларидан баҳраманд бўлишарди. Шу тариқа у узоқ йиллар халққа хизмат қилди. Лекин эвазига... Баъзан кўм-кўк барглари ер билан битта бўлиб, баъзан эгилган шохларини синдиришди. Шунда ҳам ҳосилни халққа тутаверди, тутаверди, тутаверди...

Кузда ҳориб-чарчаб, япроқларини эрта тўккан дарахтга боқиб: “У энди қайтиб уйғон-маса керак”, — деб ўйлаб қолардим. Аммо... баҳор келиши билан яна куртак очар, одам-

ларга хизмат қилишда давом этаётган эди. Бирдан у нафас олгандек, эркалангандек туюлиб кетди. Синчиклаб қараб, қўзларим яшнади, дарахтнинг қуриб қолган илдири ёнида нозиккина бир ниҳол мўралаб турар, япроқлари майин шабада оҳангида тебранарди. У ҳаёт қўшиғини куйларди. Илдири орқали ўзига жон бахш этган кекса дарахтнинг ҳаёт қўшиғини давом эттирарди.

Каримабегим

Фаргона вилояти

Одамлар сени билмасликларидан ташвиш чекма, ўзинг одамларни билмаслигиндан ташвишлан.

Етук одам ҳамма нарсани ўзидан кўради, пасткаш — бошқалардан.

Инсоннинг қаршида ақл билан қадам босиш учун уч йўл бор: биринчи, энг хайрлиси — мулоҳаза юритиш; иккинчи, энг осони — тақлид; учинчи, энг аччиқ йўл — тажриба.

Одам узоқни кўролмаса, унинг яқинлашаётган хавфдан қочиб қутулиши мушкул.

Тузатиб бўлмайдиган ишларнинг барчаси хатолликдир.

КОНФУЦИЙ

Ўз фикрларингни
тозалаб бор...

Фақат донишманд одам ёхуд нодон кимсагина ўзгармайди.

Кимки ғийбат тарқатувчи бўлса, у олижаноб бўлолмайди.

Ўз бурчини англаб туриб, уни бажармаслик — қўрқоқликдир.

Етук инсонни кўрганнингда унга тенглашишни ўйла; бадбахтни кўрганнингда эса ақлингни ишлатиб, унинг камчиликлари ўзингда ҳам пайдо бўлишининг олдини ол.

Жумард энг тўғри ва қатъиятли бўлади, бироқ қайсарлик қилмайди.

Беақл одамлар мени билмайди, деб зорланали, донишманд мен одамларни билмайман деб, ўзидан койинади.

Олижаноб эр кўп гапиришни ёқтирмайди: сўзи билан иши мос келмаса, ўзидан норози бўлади.

Ўз фикрларингни тозалаб боришга одатлан. Агар ёмон фикрлардан йироқ бўлсанг, ноҳўя иш қилмайсан.

М. ХОЛИҚУЛОВ таржимаси.

ЮСУФ АМИРИЙ

(XV асрнинг биринчи ярми)

Ғазал

Вафо то бўлди жононимга махсус,
Жафову жавр эрур жонимга махсус.

Хирому, жилвако нозу малоҳат
Эрур сарви хиромонимга махсус.

Гулистон бўлди кўнглум лола янглиғ,
Вафо доғи гулистонимга махсус.

Кеча тонг отқуча кўнглум чекар оҳ,
Эрур бу шамъ вайронимга махсус.

Кўнгул қониладур лаълинг хаёли,
Бу гавҳардур Бадахшонимга махсус.

Ғамингда ишқ ранжи роҳатимдур,
Бу дардинг ўлди дармонимга махсус.

Ғубори тўтиё хоки пойинг
Бўлурму чашми гирёнимга махсус.

Керак шаҳдин гадо ҳолини сўрмоқ,
Бу давлат келди султонимга махсус.

Кўнгул хуштур висол уммиди бирла,
Бу маҳрам доғи ҳижронимга махсус.

Шаҳиди нози мужтонинг эрурман,
Бу ханжардур менинг қонимга махсус.

Эрурмен ишқ мулкнинг Амири,
Жунун авбоши дарбонимга махсус.

2017-yil 11-yanvar, № 3 (8964)

Ўқувчи ҳаракатда бўлиши лозим

бунда кун тартибининг тўғри ташкил этилиши муҳим

Қадимги юнон мутафаккирлари айтганидек, "Агар кучли бўлишни хоҳласангиз, югуринг, чиройли бўлишни хоҳласангиз, ақлли бўлишни хоҳласангиз ҳам югуринг". Аммо кейинги вақтларда айрим болалар фан-техника воситалари боис тобора камҳаракат бўлиб бормоқда. Ҳатто жисмоний тарбия фани дарси бўладиган кунлари ҳам кичик ёшдаги ўқувчиларда ҳаракат фаоллигининг етишмовчилиги 40 фоизни ташкил этмоқда.



Ҳақиқатан ҳам, мактабда 3-4 соат деярли қимирламай ўтириш, уйда 1 соатдан 2-2,5 соатгача дарс тайёрлаш, телевизор кўриш, ҳозирги даврда эса компьютер, мобил телефонлар ва бошқалар боланинг асосий вақтини олади. Бунинг устига, агар бола мусиқа, расм чизиш билан шуғулланса, китоб ўқишга қизиқса, "кам ҳаракатли соатлар" синфлансинфга кўпайиб боради ва сайр қилиш, югуриниш, ҳаракатланишга вақт қолмайди.

Ҳаракат фаоллигининг етишмаслиги эса боланинг меҳнат жараёнига, ақлий фаолиятига салбий таъсир қилиши мумкин. Ҳаракатнинг чегараланганлиги фақат мускул кучи ва чидамлиликнинг камийишига эмас, балки юрак-қон томир системасининг бузилиши, томирлар тонусининг умумий пасайиши, уйқунинг бузилиши каби ҳолларга дучор этади. Бунга яна мадорсизлик, бош айланиши қўшилади.

Ақсинча, ҳар кун жисмоний машқ қиладиган ўқувчиларнинг бўйи тез ўсади, кўкрак қафаси айланиши катталашади, ўпканинг ҳаётини ҳажми ва мушаклар кучи ортади, модда алмашинувида ижобий ўзгаришлар юз беради. Боланинг таянч аппарати мустаҳкамланади, бу эса қад-қомад чиройли шаклланишига шароит яратди.

Жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш натижа-сида ўқувчиларда асаб жараёнларининг кучи ва мувозанати ортади. Натижада бола кутилмаган вазиятларга, фаолиятнинг янги турларига тезроқ мослашувчан бўлиб ўсади.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг яна бир муҳим томони шуки, тенгдошлари билан мусобақалашаётганда (айниқса, жамоавий баҳсларда) дўстликни қадрайди, умумий маънафат учун курашади, мураккаб вазиятларда эса индивидуал қобилияти эвазига жамоани қутқаради.

Демак, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш

учун кун тартибини тўғри тuzиб олиш керак. Бунинг учун ақлий фаолият, овқатланиш, дам олиш ва бошқа машғулотлар турини жой-joyига қўйиш керак. Боланинг жисмоний ривожланиши ва ўсиш хусусияти, ақлий фаолият динамикасини ҳисобга олган ҳолда махсус бадантарбия машқларига кўпроқ вақт ажратиш мумкин. Қуйида кун тартиби тузишнинг тахминий кўринишини ҳавола этаймиз:

Тартиб элементлари	7-8 ёшли ўқувчилар	9-10 ёшли ўқувчилар	10-11 ёшли ўқувчилар
Мактабда ўқув дарслари	3-4 соат	4 соат	4-5 соат
Уйда дарсга тайёргарлик	1 соатгача	1,5 соатгача	2 соатгача
Очиқ ҳавода бўлиш, жисмоний машқлар бажариш, сайр, мактабга кетиш ва қайтиш учун кетган вақт	3,5 соат	3,5 соат	3,5 соат
Синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар	1-2 соат	1-2 соат	1-2 соат
Эрталабки бадантарбия, ювиниш, чинқиш, овқатланиш	2,5 соат	2,5 соат	2,5 соат
Ухлаш вақти	22:00 да	22:30 да	22:30 да

Ўқувчиларнинг керакли даражада ҳаракат фаоллигини ошириш учун ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланиш жуда аҳамиятлидир. Бу бўш вақтнинг асосий қисmini ташкил этмоғи керак.

Болалар, аиниқса, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг жисмонан ва ақлан шаклланишида ҳаракатли ўйинлар алоҳида ўрин эгаллайди. Очиқ ҳавода улар ҳаракат чанқоқлигини қондириб, йиғилиб қолган куч-қувватини сарфлайди. Қолаверса, ўйин асосида болаларда мардлик, ундабуронлик, ўзига ишониш, жамоа билан ҳисоблашиш, жамоа фойдаси учун интилиш каби сифатлар ривожланади. Шу боис мактабдан ташқари вақтда ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқлар ҳамда спорт билан мустақил шуғулланишга 2,5 дан 3,5 соатгача вақт ажратиш тавсия этилади.

Ҳар бир оилада болалар-

нинг ҳаракатли ўйинлар билан шуғулланиши учун тўплар, арқонлар, чана ва ҳоказолар бўлиши лозим. Хусусан, икки хил сакрамачоқ, 2-3 та копток, 2 хил обруч, 1 кг, 1,5 ва 2 кг гантеллар, гимнастика таёқчаси, бадминтон ракеткаси каби инвентарлар билан таъминланган уйда болалар ўз-ўзидан спортга қизиқа бошлайди.

Дарсда ўқитувчи, уйда ота-она шуни эсда тутиши керакки, жисмоний машқли танаффуслар бола уй вазифаларини бажараётганда, узоқ вақт ўқиб ўтирганда, расм чизиш каби ҳолатларда зарур. Ҳаракат фаоллигининг бу кўриниши болага дам беради, диққатини бир фаолиятдан бошқасига жалб қилади, нафас олиш ва қон айланишини яхшилади. Жисмоний танаффус дақиқалари 45 дақиқалик машғулотдан (1-синфлар учун 30-35 дақиқа) кейин ўтказилади. Улар чарчоқни камайтириш ва ҳаракат режасини тўлдир-ришга имкон беради. Жисмоний дақиқалар 3-4 та машқдан иборат бўлиб, 3 дақиқача давом этади. Машқлар ўқув машғулотига турига қараб танланади. Ёзма ишдан кейин қўл ҳаракати машқлари: бармоқларни тез-тез сиқиш ва очиш, қўл қафтларини силкитиш ва бошқалар; узоқ ўтириб-туриш, тортилиш, чуқур нафас олиш, танани



ЙИЛ ЯКУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ФИФАнинг 2016 йил якунларига бағишланган тантанали тақдирлаш маросимида италиялик мутахассис Клаудио Раньери «Йил мураббийи» деяр эътироф этилгани ҳақида «Спорт» нашрида ёзилди.

У ўтган йили Англия чемпионатида бош совринни қўлга киритган «Лестер Сити» клуби галабасига улкан ҳисса қўшгани, Европанинг энг кучли чемпионатларидан бирида анчадан буён қутилмаган сенсация қайд этгани учун тақдирланди. Боиси, «Лестер» 2015-2016 йилги мавсумда Англия премьер лигасига қуйи дивизиондан қикиб, илк мусобақани ўтказганди. Аёл мураббийлар орасида энг зўр мутахассис сифатида Германия терма жамоаси устози Сильвия Найд тан олинди.

Маросимда, шунингдек, рамзий терма жамоа ҳам маълум қилинди — дарвозабон Мануэль Нойер (Германия, «Бавария»), ҳимоячилар: Дани Алвес (Бразилия, «Ювентус»), Жерар Пике (Испания, «Барселона»), Серхио Рамос (Испания, «Реал»), Марсело (Бразилия, «Реал»), ярим ҳимоячилар: Лука Модрич (Хорватия, «Реал»), Тони Кроос (Германия, «Реал»), Андрес Иньеста (Испания, «Барселона»), ҳужумчилар: Лионель Месси (Аргентина, «Барселона»), Луис Суарес (Уругвай, «Барселона») ва Криштиану Роналду (Португалия, «Реал»).

Колумбиянинг «Атлетико Насьональ» клуби «Ҳалол ўйин» совринига эга бўлди. Бу мукофот улар ўтган йили ноябрда ойда фожеали тарзда ҳалок бўлиб, ҳалқаро мусобақа финалига етиб келолмаган «Шапекоэнсе»нинг 19 аъзоси хотираси учун бош совриндан воз кечгани ҳамда уни «Шапекоэнсе»га тақдим этгани учун берилди.

Бундан ташқари, тадбирда йилнинг энг яхши ўйинчилари ҳам аниқланди. Унга кўра, «Реал» ва Португалия терма жамоаси вакили К.Роналду ҳамда америкалик Карли Ллойд («Хьюстон Дэш») махсус соврин эгаси бўлишди.

НОВАК БУ САФАР ЕНГДИ

Ўтган йилнинг энг муҳим мусобақаларида финалга қадар етиб келиб, якунда муваффақиятсизликларга учраган сербиялик теннисчи Новак Жокевич ниҳоят ноҳуш серияга чек қўйди.

Профессионал теннисчилар ассоциацияси (АТР) расмий сайтида келтирилишича, у Қатар пойтахти Доха шаҳрида кечган нуфузли ҳалқаро турнир финалида дунёнинг амалдаги биринчи рақамли ракеткачиси, британиялик Энди Маррейга қарши қортга чиққан. Ўйиннинг сўнгги баҳсларида Энди кучли рақибга енгилмай келаётганди. Бироқ бу сафар Новак уч сет натижасига кўра, Э.Маррейни 6:3, 5:7, 6:4 ҳисобида енгган.

Шу тариқа Маррейнинг 28 ғалабадан иборат муваффақиятли сериясига нукта қўйилди.

МЕССИ ҲАЙКАЛИ КЕСИБ КЕТИЛДИ

Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида Испаниянинг «Барселона» клуби ҳужумчиси Лионель Месси шарафига ўрнатилган ҳайкалнинг белдан юқори қисми номатълум одам томонидан кесиб олинган.

«Ondacero» радиоканалида таъкидланишича, бу вандализм ҳаракати бўлиб, машҳур спортчи ва унинг мухлис-ларига нисбатан ҳурматсизлик ифодасидир. Айни пайтда ҳайкал ўрнида оёқлар ва футбол тўпи қолган, ҳолос. Шунга қарамай, Буэнос-Айрес раҳбарияти ҳайкални ўз ҳолига қайтаришга киришган.

Ҳабарингиз бўлса, 2016 йилда ўтказилган Америка кубоги финалида аргентиналиклар қаторасига иккинчи марта Чили терма жамоасига енгилганди. Учрашув натижасидан хафа бўлган Месси терма жамоадан кетишини айтган. Бироқ мухлислар уни қайтариш учун мана шу ҳайкални курганди.

Зулфизар МАМАДАЛИЕВА тайёрлади.

Ҳурматли Гулсара Зиёдуллаева!

Сизни муборак 50 ёшингиз билан кутлаймиз. Сиз таълим соҳасида кўп йиллардан буён самарали фаолият юритиб келмоқдасиз. Республика таълим маркази филология фанлари бўлими методисти бўлиб, ўқитувчиларга амалий ёрдам беришда ўз тавсия ва маҳоратингизни аямасиз. Сизни халқ таълимнинг жонкуяри, камтарин инсон сифатида қадраймиз. Фидойилигингиз, меҳнатсевар ва жонқуяриликнинг ҳамкасбларингиз ва яқинларингизга ибрат мактабидир.


Узоқ умр, ишларингизга ривож, сийхат-саломатлик ва оилавий фаровонлик тилаймиз. Фарзандларингиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг.

Ҳамкасбларингиз



Т.УСМОНХҲАЕВ,
ЎзДЖТИ профессори
Р.ҲАМРОЕВА,
Учтепа туманидаги 81-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Спортсевар ёшларга кенг имкониятлар



Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабида эркин кураш, миллий кураш, енгил атлетика, футбол, шахмат, сузиш, баскетбол, волейбол, стол тенниси, бадий гимнастика, бокс, дзюдо каби спорт турлари бўйича машғулотлар йўлга қўйилган.

Замонавий шaroitlarga ega sport maskanida 1 ming 300 dan ziyod o'g'il-qiz mahorat oshirmoqda.

Янги йил арафасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 3 миллиард 920 миллион сўмлик маблағи ҳисобидан бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган ёпиқ сузиш ҳавзаси спортсевар ёшлар учун янада кенг имкониятлар яратди.

ЎЗА фотомухбири Алишер ИСРОИЛОВ олган суратлар.



Маҳоратли ҳунарманд

Нукуслик ҳунарманд Алима Раметуллаева қорақалпоқ каштачилик анъаналарини давом эттириб, миллий либослар, қуроқ буюмлар тикиш билан шуғулланади. Нақшинкор безакли тикув ишлари билан кўплаб танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этган.



Ҳунарманд тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, тикув цехи фаолиятини йўлга қўйган. Айни пайтда уч нафар коллеж битирувчиси меҳнат қилаётган цехда миллий ва замонавий услубдаги либослар тайёрланмоқда.

Мақсад
ҲАБИБУЛЛАЕВ
(ЎЗА) олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бoш муharrир Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. Г-115. Tiraji 58221.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TASHEVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 20.40 Topshirildi — 22.10